

УСМОН АЗИМОВ

# СУРАТ ПАРЧАЛАРИ

*Шеърлар ва дoston*

Тошкент  
Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
1986

Тақризчи Рауф ПАРПИ

**Азимов Усмон.**

**А 37** Сурат парчалари. Шеърлар ва достон.— Т. «Еш гвардия», 1986.— 104 б.

Навқирон шеърятимизнинг пешқадам вакилларидан бири, В. Маяковский мукофоти лауреати Усмон Азимовнинг бу китобига унинг кейинги йилларда яратилган энг яхши шеърлари жамланди. Фалсафий, ишқий ва гражданлик мавзулари куйланган ушбу мажмуа одамга ва оламга чексиз меҳр-муҳаббат руҳи билан сурғорилган.

Тўпламдан ўрин олган «Бахшиёна» туркуми ва «Учрашув» дostonи шоирнинг услубий изланишлари самарасидир.

**Азимов Усман.** Клочки портрета. Стихи и поэма.

Уз2

А  $\frac{4702570200-160}{356 (04)-85}$  66—85

© Издательство «Еш гвардия», 1986

## Л Е Н И Н

Дунёнинг, халқларнинг ё бир одамнинг  
Имону фикрига тушса агар дарз,  
Бирлаштирмоқ учун бўлинган танни,  
Ленин, сиздан мадад сўрамоғи фарз.

Имоним-ку бутун. Бу ҳаёт аммо,  
Минг бир ханжарини жонга тиқади.  
Масалан, маслакдош деганинг ногоҳ  
Карл Каутский бўлиб чиқади.

Уртоқ Ленин, шоир умри ҳам кураш.  
Баъзан курашларга беролмасдан тоб,  
Кўзимга кўринса йўлларим чалкаш,  
Сизнинг ҳузурингизга бораман шитоб.

Бораман. Қаршимда айланар дунё,  
Сухбат айланади бугун-эртадан.  
Шубҳалар тумани тарқалиб, фидо  
Дзержинскийдек чиқиб кетаман.

Қаршимда турибди, мана, ҳозир ҳам  
Азиз Коммунадан порлаган офтоб.  
Мен сизни доҳий деб саволга тутсам,  
Менга дўстим каби беряпсиз жавоб.

## ШЕЪРИЯТ

Кўзлари чақноқ тулпор,  
Туёғи чақмоқ тулпор,  
Сувлиқ лабларин йиртган,  
Ёллари байроқ тулпор.  
Бир босган изинг гулдан,  
Бир босган изинг кундан.  
Қуёш бўлиб ланғиллаб,  
Ажраб борасан тундан!  
Ўжар тулпор, тонг тулпор,  
Йўллари осмон тулпор,  
Парвозингга куч бўлсин,  
Берайинми жон, тулпор?!  
Самоларда уч шўх-шаън,  
Майли, ерда қолсин тан.  
Эй, қалдирғоч қанотим,  
Сен менинг маст руҳимсан!  
Ўтасан — оғрир жоним,  
Сағринг қип-қизил қондир.  
Биров қамчилаб куйлар:  
«Менинг исмим Замондир!»  
Вужуди олов тулпор,  
Ёнасан лов-лов, тулпор,  
Тортган араванг — замин,  
Оловли ялов тулпор.  
Ханжар — шамол урилар,  
Ўтлиг кўзинг сузилар,  
Тирқирар лабингдан қон,  
Жиловлар шарт узилар!

Ҳавода ўйнар қамчи,  
Қон оқар томчи-томчи.  
Торт заминни, тулпорим,  
Сендан ўзга алдамчи!  
Қўзлари чақноқ тулпор,  
Туёғи чақмоқ тулпор,  
Сувлиқ лабларин йиртга,  
Еллари байроқ тулпор...

## СУРАТ ПАРЧАСИ ҲАҚИДА ДОСТОН

Сура1т парчасини ердан кўтардим,  
Бир кўз боқар эди менга аламкор.  
Тошкент боғларида хазон тутарди,  
Дарахтлар ортида кезарди губор.

Сура2тнинг парчаси кетди мен билан  
Ва тунда тушундим...

Бу бечора кўз

Кимгадир жимгина «севмайман» деган  
Курашу оғриқлар ичида бесўз.

Ҳа, кимдир чорбоғда кезган инграниб,  
Дарахтлар тагида тош каби қотган.  
Сўнгра аламидан ўзни йўқотиб,  
Сура3тни бурдалаб-бурдалаб отган.

Бу кеча чорбоққа келадн кимдир,  
Кўздан ёши оқиб айлару тавоб,  
Сура4т парчаларин ўпади бир-бир,  
Ўпади олса-да қаҳратон жавоб.

Қайси бир кулбами, ётоқхонада,  
Тунлари ғижирлар темир каравот.  
«Оҳ уриб», тўлғониб ётган одамга.  
Девордан боқадн бекўз бир сура5т.

Одам деразадан тунга қарайди,  
Чироқлар нуридан кўчалар бўзранг.  
«Ёрдам бер,— осмондан нажот сўрайди,—  
Мени қутилтиргин йўқолган кўздан».

Бекўз сурат унга боқадн гаранг,  
Михгами, доргами турганча осиқ.  
Чарчоқ элитади — мудрайди одам  
Эшикни негадир тамбалаб ёпиб..

Лабимда қотади энг буюк сўзлар,  
Бошимни чангаллаб инграйман ночор.  
Кўксимда турибди йўқолган кўзлар —  
Сурат парчалари қатору қатор.

Биров виждонини йиртди бепарво,  
Унут бурдалари кетдилар тўзниб.  
Шоир юрагини кўрдими раво,  
Менинг кўксимдадир виждоннинг кўзи.

Мендан қўрқиб яшар беимон шўрлик,  
Чўчийди қўшиқдан, ҳақпарвар сўздан.  
Покликни эзғилаб қилади кўрлик,  
Ғақат қутилса бас йўқолган кўздан.

Биров Ватаннини бурдалаб отди  
Шухрату мағрурлик кечаларида.  
Ватаннинг кўзини мен излаб топдим  
Шеърятнинг узун кўчаларидан.

Биров майдалади сени, ҳақиқат,  
Қалбида тугабми курашнинг қўри.  
Кўзингдан айланай, ўтгин, марҳамат,  
Ғақиқат, сенгадир кўксимнинг тўри!

Бўлаклаб ташлади чегара тиғи,  
Минг рангга бўялиб титрайсан, Дунё.  
Талошдир танингнинг ҳамон ёғлиғи,  
Сарсон кўзинг менинг кўксимда аммо.

Шунданми, куйладим гоҳ шод, гоҳ нолон,  
Эзгулик йўлида дарёдай оқдим.  
Ҳар битта сатримга Ҳақиқат, Виждон,  
Ишқ, Дунё, Ватаннинг кўзи-ла боқдим.

Яна... Нима бўлди? Ҳовли дарчасин  
Биров қоқмоқдами ё чертди ёмғир.  
Ёки эзгуликнинг қонли парчаси?..  
Ёраб, ким кўзини йўқотди, ахир!?

Қим у ташқарида туртинган беҳол?  
Ҳайиқмай эшикни очгин. Кутаман.  
Сенга кўз керакми, мана, ола қол..  
Юракдан бир парча кесиб тутаман.



## ЧЕ ГЕВАРА

Дуэллараст қитъаларни  
Қучган шўрлик дунёга боқиб,  
Ёрит, дейман, зулмат қаърини,  
Юрагимни тутаман ёқиб.

Қум соҳилда шовулла денгиз.  
Қаерларга бошлайсан шамол?  
Менга қийин бўлади сенсиз,  
Яхши қолгин, бахтиёр орол!

Кемамизни суриб кетар ел,  
Уни ютар денгиз тумани.  
Сенга, азиз дунёга, Фидель,  
Қолдираман озод Кубани.

Чангалзорнинг тепасида ой,  
Аллақайдан чиқади балқиб.  
Судралишиб, уст-бошлари лой,  
Келмоқдалар қонхўрлар полки.

Ёнимдаги жасур ўғлоннинг  
Кўксига ўқ бормоқда ботиб.  
Бу хўрланган дунёга шонли —  
Жасоратни қиламан тортиқ.

Ярадорман — ётибман беҳуш  
Боқолмасдан ёрур оламга.

Жаллод етар — жилмаяр похуш,  
Наганини тирар чаккамга.

Емғирлардан кўпчиган тупроқ  
Юзларига босар қонимни.  
Она дунё, кун кечар порлоқ,  
Бахш этурман сенга жонимни.

Кўпайди-ку, ахир бағрингда  
Бир толами, ним тола зиё.  
Яна нима берайлик сенга  
Озодликни суйдирган, Дунё!

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

Бўғзимга баҳайбат қайғу тиқилди,  
Кўзимга йиқилди қоп-қора булут.  
Тиззамдан сирганиб китоб йиқилди,  
Бирдан синфга чўкди бир ҳайрон сукут.

Партага бағримни бериб инградим.  
Сукунатга айтдим: «Жон берди... Кумуш...»  
Муаллим жилмайиб мени тинглади,  
Бошимни силади ҳам шод, ҳам хомуш.

Деразадан нари, ёмғир қўйнида  
Гулларга баданин кўмарди баҳор.  
Муаллим термилиб баҳор рўйига  
Деди: «Ўзбекистон мангу барқарор!»

Ёмғирдай бир соғинч кўксимга тўлди,  
Юракка туташди нотаниш ғулу.  
Ногоҳ Ватанимни кўргандай бўлдим,  
Қодирийнинг худди ўзи эди у.

Тўрт девордан бўлса боқардилар жим,  
Синовчан кўзларин кўзимга қадаб.  
Ҳозирча суратда таниганларим:  
Навоий, Нодира, Гулханий, Машраб...

## ОЙБЕКНИНГ СЎНГГИ ШЕЪРИ

Мен дарёга қармоқ ташлайман,  
Ана, балиқ — силкир думини.  
Мен балиқни озод айлайман,  
Кечираман очкўзлигини.

Беданага қўяман тузоқ,  
Ҳаялламай қолар илиниб.  
Уч, кез, дейман далада озод,  
Кечираман анқовлигини.

Ҳар бир гули — бир эзгу учқун,  
Хўв, чўққида яшнар наъматак.  
Қуёшга гул тутгани учун  
Тиканига қиламан тоқат.

Гапим тамом... Ҳа, мен ҳам ўтдим!  
Уч... Икки... Бир... Тўхтади юрак...  
Балиқ, қўрқмай қармоқни ютгин —  
Мен ҳарҳолда... Ўлмасам керак!

## МАЯКОВСКИЙ БИЛАН СУҲБАТ

Қуёшни койийсиз,  
Қуёш — ишёқмас,  
Сизнингча фалакда ёнар беҳуда.  
Устоз, қандай куйлай сиз-ла басма-бас,  
Ойни сўкишни ҳам қилмагач удда.  
Аммо, баҳонгизни биламан, зотан  
Шоирнинг қадрини  
урмадим ерга.  
Кўксимда бир улкан севги бор —  
Ватан,  
Ҳа, яна ишондим меҳнату шеърга.  
Демак, сизга ҳисоб берсам бўлади.  
Юракда, гуллармас,  
дардларнинг тоши,  
Қайда хазон учса,  
Қалбга қўнади.  
Англайман, шоир бу —  
замон фарроши.  
Нимадан бошлай, хўш?  
Дунёми? Нотинч.  
Капитал ҳали ҳам тарқатар мараз.  
Душманини отиб, дўстини сотиб,  
Умрини чўзмоқни қилади фараз.  
Бизда-чи?  
Ишимиз ёмонмас.  
Қаранг,  
Қувонинг, атрофда ленинча замон.  
Гар гоҳ нутқлардан бошимиз гаранг —

Мажлис қилмоқликни севаминиз ҳамон.  
Ютуқлар чўнтакда.

Улар бор нарса.

Аммо камчиликдан сўз очмоқлик бурч —  
Большевик

большевик билан юзлашса,

Шоир

шоир билан келиб қолса дуч!

Ана у кимсага қаранг, танийсиз  
Уша — майда ҳавас қурбони — мешчан.  
Биров ўлиб ётса демас «қалайсиз?»,  
Думбаси лорсиллар, қорни нақ мешдан.  
Буниси

бозорнинг подшоҳи Тошмат  
(НЭП даврин хаёлга келтиринг бир дам),  
Пулини нақ тўланг...

Отасин ташлаб,

Сотиб юборади онасини ҳам.

Буниси

бозорга бориб паст тушмас,  
Уйига келади ризқ-рўзнинг ўзи.  
Пора олади-ю, қизармас нокас —  
Пул деган аблаҳнинг жонига тўзим.  
Буниси —

дўст-ёру хешларга устун,  
Кунбўйи қўнғироқ қоқади шўрлик:  
«Ўқишга?.. Ўғлингиз?.. Фақат сиз учун...  
Холамнинг тўйига... Минг раҳмат! Қуллуқ!».  
Устоз

жонга тегди

буларнинг турқи...

Юринг,

дам оламиниз

боғларга чиқиб.

Ана, қизлар ўтар туркуму туркум —  
Танларин ажнабий либосга тиқиб.

Нега тўхтадингиз раингиз учиб?  
Қизнинг бўйнидаги нима?

Марварид...

Эрка фарзандига беш мингдан кечиб  
Меҳрибон отаси қилган-да, харид.  
Сиз менга хўмрайиб боқасиз:

— Ука,

Юрак тўлиб кетди!..

Сўзлагин шеърдан!

Қимлар боқаяпти ҳаётга тикка,  
Қимлар кўкка чиқди

узилиб ердан?

Нима ҳам дер эдим?

Талмовсирайман:

— Ёзяпмиз...

дўконда китоблар лиқ-лиқ,

Бериб туришибди мукофотлардан,  
Баъзан Дўрмонда ҳам оляпмиз ҳордиқ...

— Шоир-чи?

— Бор.

— Қимлар?

— Мухторов Асқад,

Орипов Абдулла... Бешми — ўн киши...

— Қолгани қилади қанақа хизмат?

— Озроқ ғийбат...

Яна рўзғор ташвиши...

Шоир эшитмайди сўнгги сўзимни,  
Фалакка нигоҳин найзадай санчар.  
(Мовий кенгликларга ташлаб ўзини,  
Қуёш меҳнат қилар —

тинмай нур сочар).

— Тўхта, — дейди шоир.

— Тўхтагин, нодон,

Тўғри тушунмабсан Қуёшлик бурчин,  
Мен сенга виговор қиламан эълон,

Барчага  
    тенг ёғду  
                    сочганинг учун.  
Улар бир-бирига қайноқ сўз айтар..  
Хавотир олма сен, қадоққўл инсон —  
Шоир  
    қуёш билан  
                    баҳслашган пайтда,  
Эзгулик  
    зулматда  
                    қолмас  
                            ҳеч қачон!



## ЧУМОЛИ ҲАҚИДА НУТҚ

(хизмат вазифасини суниестемол қилган баъзи  
текинхўрларга ишора)

«Меҳнаткаш» деб олганинг унвон,  
Шоирларнинг ғариб хаёли.  
Менинг эса, азалдан аён  
Нафратим бор сенга, чумоли.

Ғивирлайсан... Терга ботасан,  
Тирикчилик солмас не кўйга,  
Нима кўрсанг, уйга тортасан,  
Уйга... Уйга... Қоронғи уйга!

Бошинг узра баҳор қуёши  
Таратади бир ипак зиё.  
Ҳашаротлар ичра сен — тоши,  
Баҳорга ҳам боқмайсан қиё.

Уйга... Уйга... Тинмайсан бирпас,  
Югурасан... Сенингча, юҳо,  
Оғиз қалбни очиш учунмас,  
Овқат учун яралган гўё.

Уйга... Уйга... Жавдирар кўзинг,  
Уйингда-ку чириб ётар дон.  
Хаёлингда ўзинг, бир ўзинг,  
Ютмоқчисан дунёни тамом.

«А» дедингми, токи «Ҳ»гача  
Очиқ айтмоқ замони етди.

Биз ҳаммани таниб бўлгунча,  
Чумолилар кўпайиб кетди.

Чорсуни-ку қўйинг (у — бозор,  
Уйнар савдо ашуласига),  
Чумолилар бормоқда қатор  
Идоралар машинасида.

Оғринишар.. «Чумоли» деманг,  
(— Ҳатто шоир бўлсанг ҳам жим тур!)  
Ҳазаб билан улар солар чанг,  
Аммо синмас ҳақиқат қурғур.

Пештахтага бири ёнбошлаб,  
Бошчасини қувноқ қашийди.  
Бири бўлса гул каби яшнаб,  
Фарзандига диплом ташийди.

Бири бизнинг ишхонамизда,  
Ерга жами оёғин тираб.  
Мансабини тортгани-тортган,  
Зўриққандан шўрлик қалтираб.

Бири эса: «Пахтакор халқим,  
Тасанно», деб тўлдирар шеърин.  
Унга халқи керакмас, балки  
Бир орденми, мукофот беринг.

Ураб олди махлуқлар чиндан,  
Бузиб орнинг чегарасини.  
Ҳатто Она Инқилоб қилган  
Васиятлар тегарасини.

Ҳаммасини топиб келиб, энг  
Олий жазо бермоқ хаёли..  
Ўйлаб қолдим — шеър ўлдирар кенг,  
Мана ёздим: «Сизлар — чумоли!..»

Тугаяпти шеърим. Қетаман.  
Уэр, жоним бўғзимга етди.  
Чумолини ўйлаб туринг. Мен  
Ниначини кўргани кетдим.

## Т Е А Т Р

Бу ерда ўзлари учун йиғлашмас,  
Бу ерда йиғлатар бировнинг дарди.  
Бу ерда бировнинг ғами муқаддас,  
Бу ерда табаррук ўзганинг қадри.

Эски пальто кийган, мангу пиёда  
Санъат бу саҳнада қилар қўзғолон.  
Юрак бахш этмоқчи бўлар дунёга,  
Қалбларга — хўрсинмоқ учун бир имкон.

Бунда ўз бўйини ўлчайди замон —  
Орқага қайтдимми, кетдимми олға?  
Оқ чорлоқ қонига беланар ҳамон,  
Олчазор оралаб тақиллар болта.

Асрлардан ошиб келар ул Мирзо:  
«Сизларга боқсин-да, кўзларим тўйсин!  
Майли, неваралар гувоҳ бўлсин, оҳ,  
Фарзанди падаркуш қайтадан сўйсин!..»

Бунда кезишади подшолар бебахт,  
Бетож бошларини чангаллаб, ҳорғин.  
Томоша залини эта бошлар забт  
Бир дард — Гулбаҳорнинг сочидай толғин.

Театр! Жонингни ўйламадинг ҳеч,  
Ёниб бормоқдасан! Бағрингда ёнғин!

Барча катта-кичик бинолар ҳар кеч,  
Сенга ҳавас билан боқишади жим.

Ёлғончи дунёнинг ёлғонларидан,  
Таним музлаганда тугару сабрим,  
Театр, ё ҳақ, деб сенга келурман —  
Мени ёндира қол, бировнинг дарди!

Сачраб уйғонади мудраган дилим,  
Семиз орзуларни парчалаб ташлар.  
Уйимга келаман! Ёзув столим,  
Театр, сен каби ловуллай бошлар.

Санъат! Учмагайсан! Сен — мангу қуёш!  
Ахир, фидоларинг кўпдир дунёда!  
Бировнинг дардига бўлгани йўлдош  
Санъат кетиб борар пою пиёда...

## ТАЗАРРУ

*Маяковскийга тақлид қилиб, муаллиф  
бу шеърни ҳурмат билан ўзига бағишлайди.*

Мана, мен ҳам адо бўлдим  
бировларни қилиб фош...  
Битта юзнинг  
ниқобин йирт,  
буришадн юзта юз,  
«Фаросати сал йўқроқ» деб  
кўтарадн бири бош,  
бири эса, «беадаб» деб улашадн  
тахаллус.

Қараб қўйинг!  
Таслим бўлдим!  
Мен кўтардим қўлимни!  
Худди эски тунукадай букилар  
қилич сўзим...  
Ҳеч кимнимас,  
навбат етди,  
фош қиламан ўзимни,  
гуноҳкорсан,  
қани, тик тур,  
менинг муҳтарам ўзим!  
Кўкрагингга қанча урма —  
сенинг кимлигинг аён.  
Сен — аблаҳни мен биламан,  
кутма заррача шафқат.  
Икки юзу ўн беш марта  
қўрқоқлик қилдинг пинҳон,  
Икки юзу ўн беш марта  
Ииғлаб қолди ҳақиқат.  
Жим!

Гапирма!  
Мана менда  
ҳамма ҳисоб-китоби,  
юрагимдир асл ҳужжат,  
юрагимга битилган..  
Тилларимга кўчмагайдир  
бўғзимдаги азобим,  
ўн бир марта  
«Дўстман» деган  
қасамим ҳам йиртилган.  
Шоирликдан нима фойда  
Ўзингни фош этмасанг?  
Покламасанг  
дилни айтиб,  
Сўз  
қилдирмас зиёрат.  
Ҳар кимсага  
қимлигини  
очиқ айтиб  
кетмасанг,  
бу — онанга хиёнатдир,  
Ватаниннга хиёнат.  
Тулкимассан,  
қилпиллама,  
тек тур,  
муҳтарам ўзим,  
айтайинми неча минг бор  
сўйладинг ёлғон-яшиқ,  
Биров ночор турганида  
неча бор юмдинг кўзинг,  
ҳаром ошга  
неча марта  
ликиллаб  
бўлдинг қошиқ.  
Мен — жаннатман сенинг учун,  
Менман — дўзах олови.

Иўқ, қўлларим қалтирамас,  
одил ҳукм ёзаман...  
Тирноғу  
эт ўртасига  
ботди  
виждон ғарови, —  
сени минг бор отаману  
минг бир марта осаман.  
Анграйма, зал!  
Шу лаҳза ҳам  
ҳукм этилар ижро:  
мана, сиртмоқ бўйнимдадир,  
Ўқ тешиб борар танам...  
Менга қаранг,  
наҳотки мен  
неча марта ўлиб, оҳ,  
неча марта тирик қайтган  
одамга ўхшамасам?  
Ўзимни фош қилиб бўлдим...  
Омон бўлсин Диёнат!  
У, албатта, омон қолар  
виждон деб чополсангиз...  
Ўзингизни суд қилсангиз,  
мана, минбар —  
марҳамат!  
Суд қилишга ўзингизни мабодо  
тополсангиз...



## ЭЛЛИГИНЧИ ИИЛЛАР БАЛЛАДАСИ

Қишлоғимиз теграсида  
Мунғайган харобазор.  
Қарғаларга ошён бўлиб  
Боғлар ётар беэга.  
Мени у пайт саволим кўп,  
Саволим қатор-қатор:  
— Бу боғларнинг эгалари  
Ташлаб кетишди нега?  
— Болам, уруш, — дерлар бобом  
Кўзи ёшсиз милтирар.  
Нимадандир жунжиккандай,  
Қалтирар овозлари.  
Кеч куз. Қорнинг ҳидин сезиб,  
Қарғалар даврон сурар —  
Боғлар узра босиқ, оғир,  
Кўнгли тўқ парвозлари.  
Бу боғларнинг етимлиги  
Кузда билинади, оҳ!  
Пуштага лол йиқилади  
Токларнинг навалари.  
Қисматларин фожеасин,  
Дарахтлар англар ногоҳ,  
Кичраяр ўрикларнинг  
Бужмайган гавдалари.  
Бобом оғир «уф» тортади:  
— Анов, Аҳмаднинг уйи,  
Беш ўғлини қайтмас қилиб  
Уруш ютди комига.

Ўзи бўлса ўлиб қолди,  
Қўш ҳайдаб юрган қўйи.  
Жаллод очлик зомин бўлди  
Кампирнинг жонига.  
Бу дунёси қурисин-эй! —  
Юборгим келар бўзлаб —  
Хувиллаган анов девор  
Шарофатнинг кулбаси.  
У қишлоқдан чиқиб кетди,  
Парча қора нон излаб,  
Бир қўлида невараси,  
Бир қўлида тўрваси.  
Ху-ув, у чорбоғ, Ҳамдамники —  
Омборчи одам эди.  
Уч кило ун ўғирлабди  
Ҳужжатни чалкаш ёзиб.  
Аммо қадрни баланд эди,  
Номуси олам эди,  
Эртасига тут шохига  
Ўзини қўйди осиб.  
Бу боғлардан униб-ўсган  
Нордай йигитлар қани?  
Қаерларда қаро ернинг  
Тагида ётар улар?  
Бу ер сира тўймас экан!  
(Бобом ерни тепади),  
Харобазор боғ устида  
Қарға қағиллаб кулар.  
Тирик каби кўринади,  
Бу хароба кўзимга.  
Чордевордан липиллайди  
Ажалнинг башараси.  
Лойқа селдай тошқинланиб,  
Кирар менинг кўнглимга, “  
Савдоси кўп бу дунёнинг  
Чигалли можароси.

Ўзбекистон, жафокашим,  
Менга юрагингни оч!  
Ҳар бир дарднинг пайти етиб,  
Шеъримга кўчар абад.  
Ҳозирча мен бир гўдакман,  
Йиғлаяпман ноилож,  
Йиғлаяпман... Қаршимда-чи,  
Митти Сталинград.

## УРУШДАН УТТИЗ ЙИЛ КЕЙИН ЕЗИЛГАН МАРСИЯ

Момомнинг — у ҳали ўттиз ёш жувон —  
Қучоғи йиғи ва нурга тўлади.  
Момо, шу чақалоқ — шу бир парча жон,  
Қирқ бешда Берлинга бориб ўлади.

Ушанда сиз ўроқ ўрасиз йиғлаб,  
Кўк рўмол ўрайсиз оқ сочли бошга.  
(— Болам, қайтмайсанми додимни тинглаб,  
Болам, кетиб қолдинг ўн саккиз ёшда!)

Тинмайсиз — ғуссани тинмаган енгар —  
«Воҳ болам» — кўкларга етар оҳингиз.  
Қуёш чиқар... Ботар... Кун ўтар... Утар...  
Туманлар ичида бўлар роҳингиз.

Ҳеч ким сўз очмайди шаҳид ҳақида,  
Сиз ўчоқ бошида йиғлайсиз пинҳон.  
Хаёлда — ям-яшил дарахт тагида,  
Қор ва қон устида ётар бир ўғлон.

Кетар чоғингиз ҳам ёруғ дунёдан,  
Уша ғам дилингиз айлайди беҳуд:  
— Мен-ку, мен ўлсам ҳам сиз бор —  
                                қўрқмайман,  
Фақат шўрлик Норбой бўлади унут!

Норбой? Қандай йиғит эди у Норбой?  
Қўрикда айтганди мўйсафид дўхтир:

— Қолавер, уруш ҳам тугар, ҳойнаҳой,  
Еш бола, сенсиз ҳам ўлганлар кўпдир.

Норбой? Қандай йигит эди у Норбой?  
Йўқ, у чекинмади имондан тониб.

— Сиз Ватан хоини экансиз, бобой,—  
Деганди ғазабдан кўзлари ёниб.

Чол ғамгин кулганди. Кетганди ўғлон,  
Ҳувиллаб қолганди Бойсун боғлари...  
Моможон, қийналиб ўйлайман — ёмон  
Дилларни тарк этса уруш доғлари.

Номаълум аскарнинг мозори, мана,  
Гул қўйдим. Бир умр ҳурматим унга.  
«Унутдинг», деб, момо, қилманг кўп таъна,  
Сизнинг қабрингиз ҳам, биламан, шунда!

## САМАРҚАНД БУЙЛАБ ТУНГИ САЙР

*Хуршид Давронга*

Кўчаларингни кезаман.  
Саройларингда  
        базмлар тинган.  
Гумбазларинг  
        қайси момоннинг  
                        тўлиққан кўкраги —  
Қимни соғинар бу кўкраклар  
                        сутга тўлиб?  
Осмон,  
        қўлинг бўлса,  
                        чангаллаб кўр-чи,  
Нималар деб шовулла  
                        панжаларинг орасидан  
                        оқадиган сут!  
Мен бўлса,  
        тамшаниб нидо қиламан:  
— Самарқанд, илдизинг қаерда?  
Кечангни чироқлар парчалаб ташлаган,  
Тун билан нур ўртасида  
                        узун арвоқлар —  
Миноралар кетиб борар  
                        келажак сари.  
Баъзан  
        ойга боқиб  
                        тўхтаб қолишар  
(Азон саси урилдими қулоқларига?)  
Зиналарингдан  
        чопонига ўралган  
                        сўфи эмас,

Мен ўрлаб боряпман

фалак

пештоқига

Ва ерга боқиб нотинч шивирлайман:

— Самарқанд, илдизинг қаерда?

Мадор бўлгин энди умидларимга,

Менинг тўрт минг йиллик боғим!

Бир япроғингман:

йўқотгим келмайди

илдизларимни.

Ана, осмоннинг қурбони — шаҳид расадхона,

Ана, тарихнинг кўмилган бешиги — Афросиёб...

Неча асрлар бўлди ўшанга?

— Тупроқ, қани,

ёрил!..

— Самарқанд, илдизинг қаерда?

Юлдузлар орасида келажак йўли,

Замон поездини

қалбим,

ҳормай торт!

Ва, битта вагонга

боболар руҳини,

қайғу аламини,

шавкат-шонини,

ушалмаган орзусини орт!

Бу кимлар?

Қайдаман?

Регистон, сенми?

Нечун сенга келсам,

кўксимни тўлдирар жумлан жаҳон?

Балки анов мовий гумбаз тагида ётган,

Оқсоқ Темур

армонининг

шамолидир бу?

Аммо овозлар чиқар замин қаъридан:

— Мен, — дейди (Спитамен, сенмисан?)





## ҒАҒУР ҒУЛОМ ҲАҚИДА ҲУЖЖАТЛИ ФАНТАЗИЯ

Апрель. Олмаота. Тонготар. Жимлик.  
Бир енгил шаббода оқади равон.  
Машъум бу хабарни етказди кимдир —  
Деворга суянди Ғафур ал Ғулом.

Шоирга нима ҳам керак аслида?  
Эътибор, шон-шуҳрат унга бир хасдир.  
Боқиб диёрининг бўйи-бастига,  
Халқини куйламоқ шарафи басдир.

Деворга суянди Ғафур ал Ғулом,  
Радио мурватин беҳол буради.  
«Тошкентда... Зилзила...  
Бугун... Апрель... Тонг...»  
Шош, наҳот, елкангга кулфат қулади?

Бир лаҳза эгилди оқарган боши,  
Бир лаҳза дилига кўчди қиёмат.  
Оқди... Оқаверди кўздан ёши,  
Она юрт, бормисан соғу саломат?

Шоир нима учун яшайди, ахир?  
У мангу ишонч-ла олади нафас —  
Балолар қанчалар топмасни тadbир  
Ватани ўрнидан қўзгата олмас.

Қозоқ осмонида булутлар семиз,  
Бўрдоқи қўйлардай юришар кезиб.

(«Собит, эй Собит дўст, сен кўп хуштаъмиз,  
Аммо гам кетди-ку юракни эзиб!»)

«Сен етим эмассан!» — бир найт бўзлади  
Бу сағир дунёнинг силаб бошини.  
Келажак номидан ёниб сўзлади  
Ва Дунё жилмайдн артиб ёшнини.

Шоирнинг умридан ахир, не маъни?  
У куйлар — қалбларда ловиллар қуёш.  
Баланд қўшиқларга руҳнинг элтгани,  
Овози бормикан ҳали ҳам, эй, Шош!

Балки — қарилик-да, тилини боғлаб,  
Бўғзига кўндаланг йилларининг тоши...  
Тошкент бор тарафга термилиб, қақшаб,  
Оқди... Оқаверди кўзидан ёши.

У билар, йўқ, ўзбек эмасдир танҳо,  
Қалқиса елкасин тутуди дўстлар.  
Наҳот, қалбда қолиб кетади аммо,  
Шундай кун Ватанга аталган сўзлар!

...Кейин у Тошкентда кездн пиёда —  
Кўрганлар айтади — ғамгин, хаёлча.  
Балки у ўйлаган шундан зиёда,  
Бедардлар узоқроқ яшашини ҳам.

Балки ўйлагандир — қулаган ғишт — шеър,  
Аммо қўйилгани «Ҳамса»дай дoston.  
(«Қайдасан юрагим — эй, мўйсафид шеър,  
Наҳот, уни битмак бизларга армон!»)

У кезган хўрсиниб, кўзини артиб —  
Кўзларига қўнмиш не аччиқ гардлар? —

Шоирни дунёдан олди-ку тортиб,  
Шеърга айланмаган муқаддас дардлар.

Балки сўнгги они у пичирлаган  
(Биласиз, Муҳаррам опа, сиз гувоҳ):  
— Қувончу гамини эшит сен, олам,  
Табиат, ўзбекка шоир қил ато!

Мен бир бола эдим — ўн олти ёшда,  
Бу даъват маъносини қайда чақмоғим?  
Ғафурнинг дўпписини қўндириб бошга  
Қариндан чақнади шеърнинг чақмоғи.

Демак, савол сизга, Абдулла Ориф!  
Зилзила тинчиди — кўнглингиз тўқми?  
Кўксинини бир вулқон бормоқда ёриб,  
Менга айтадиган гапингиз йўқми?

## ЕЗ

### 1

Дарёнинг қум қирғоқларида  
Яп-яланғоч ётар саратон..  
Мен қичқирдим қулоқларига:  
— Отинг нима? Мудрама! Уйғон!

Қумли соҳил кетгунча уйқу..  
Қилт этмади саратон тани.  
Қўзин юмиб ётаверди у,  
У эриңди исми айтгани.

### 2

Туш. Саратон чопади кетмон.  
Юз-кўзида оқиб борар тер.  
Саратоним, жоним саратон,  
Сен исмиңни менга айтиб бер.  
Қуёш ўзи минг-минг асрким,  
Ўт исмиңни йилларга ўймиш..  
Туш. Саратон кетмон чопар жим,  
У исмиңни унутиб қўймиш..

## КУЧАДАН РЕПОРТАЖ

- Бу одамнинг икки қўлида  
икки қапшайган тўрхалта,  
рўзгоридан бошқа дунёни билмайди  
бу одам.
- Бу одам душман билан қувонгани учун  
дўстларининг ёнида ғамгин.
- Бу одамнинг бўлса, бир орзуси бор:  
Сурхон даштидаги кунгай тепада  
елкасини баҳор офтобига тутиб,  
эриб-эриб ухласам, дейди.
- Буниси уй қурди,  
машина олди,  
энди нима қиларини билмай ичади.
- Бу одам шошгани-шошган,  
орзуларнинг поёнига умри етмасмиш.
- Бу аёлнинг ранги сап-сарик —  
бевафо эрини севади.
- Буниси лорсилаб турибди —  
эрини ҳам, ўйнашини ҳам севади.
- Бу йнгитнинг туриши виждон —  
фақат тан олади ҳақиқат тарозусини.
- Бу чолнинг кўзлари ловуллар,  
яшайди инқилоб оловини одамларга  
улашиб.
- Бу қизнинг юзига тикилсанг,  
нигоҳи типирчилар  
бўғзига пичоқ қадалган оҳудай.

Бу қиз шаҳвониятнинг соғлиққа фойдаси ҳақида  
суҳбатлашишни яхши  
кўради.

Буниси ҳамма яхшиларни яхши кўради.

Бу қизчанинг қўллари ёрилган,  
номард кузнинг совуғидан қўрқмай  
пахта терипти-да, яна азамат!

Бу боланинг кўзлари ўткир —  
тикилса келажакни кўради.

Бу одам — қизчанинг ва боланинг отаси —  
«Пахта байрами»га кийиб чиқсин деб,  
байрамлик излайди фарзандларига.

Буниси, аниқ Бойсундан келган  
(бошидаги гилам дўпписи гувоҳ)  
Ўтган машинага қўл кўтаради —  
поездга шошяпти.  
Поезд уни Бойсунга олиб кетади...  
Бойсунда акам бор —  
дўст деб биледи учратган одамини.  
Опам бор —  
ўн битта боланинг онаси —  
энг улкан орзуси Тошкентни кўрмоқ.  
Онам бор...  
Онам... мени соғинади.

Дарвоқе, мен...

Нега афтингиз бужмайди?

Мендан хафа бўлманглар,

Қасбим шунақа:

Сизга кимлигингизни очиқ айтишим керак.

## ШАХМАТ ҲАҚИДА ШЕЪР

Пиёдалар, филлар, руҳлар,  
Аввал сиз билан гаплашамиз.  
Чунки сиз ўласиз...  
Шоҳ ҳақида кейин...  
Шеър бошланди!

Пиёда олдингга интилар,  
Пиёда ҳеч қачон чўкмас тиз.  
Пиёда ўқ еди, йиқилар...  
Айтдим-ку, ўласиз, ўласиз...

Майдонда фил жавлон уради,  
Излайди ғолиблик йўлини.  
Шоҳ учун ўлимга юради,  
Таслим деб кўтармас қўлини!

Не учун жангдасан, нодон руҳ,  
Не учун курашиб-тўласан?  
Ортингдан изғийди хоин ўқ,  
Ўласан, бари бир ўласан...

Подшоҳнинг ўнг қўли, эй, вазир,  
Сен ўзинг лашқарга саркарда.  
Бекорга излама зўр тадбир,  
Бари бир минг яра бу танда...

Айтдим-ку, ҳаммангиз ўласиз,  
Подшоҳнинг амрига тикиб жон!

Балки ул қудратли шоҳингиз  
Хун олар рақибдан беомон?  
Пиёдалар, филлар, руҳлар...  
Сиз ўлдингиз...  
Шоҳ бўлса...

Шоҳ бўлса, имиллар тахтида,  
Тополмас нажотнинг йўлини.  
Шоҳ бўлса, қайтади аҳдидан,  
Қўлини кўтарар, қўлини!

Руҳ ўлди, фил ўлди, пиёда —  
Кўксини чангаллаб йиқилган!  
Подшоҳнинг кўшкида хиёнат —  
Байроғи, оқ байроқ тикилган...

Пиёдалар, филлар, руҳлар...  
Сиз бизнинг ёдимизда мангу қоласиз!  
Шоҳ бўлса...  
Шоҳ ҳақида кейин гаплашамиз.

Шеър давом этади!

. . . . .  
. . . . .



## «БАХШИЁНА» ТУРКУМИДАН

Элбек бахши шогирди Эломонга: «Дунёда айтадиганингни айтгин, димоғингни чоғ қилиб, кўксингни тоғ қилиб, эсон-омон қайтгин», деб дўмбирасини қўлига тутқазиб, сафарга жўнатган эди.

Ана энди Эломон қайтди. Элбек бахши шогирдининг қўлидан ушлаб, кўнглини хушлаб: «Дунёга нималарни айтдинг, ў, болам», деб сўраб, Эломон жавоб бериб турган жойи экан:

Майсага эзмайман, деб айтдим,  
Дарахтга кесмайман, деб айтдим.  
Тупроғимга, сен деб ўлсам,  
Оғриқни сезмайман, деб айтдим.  
Аёлга суяман, деб айтдим,  
Ишқингда куяман, деб айтдим.  
Сенинг босган изларингга  
Бошимни қўяман, деб айтдим.  
Сахрога тоғ бўласан, деб айтдим,  
Кечага оқ бўласан, деб айтдим.  
Шайтонга, аёлни севсанг  
Имондай пок бўласан, деб айтдим.  
Қушларга отмайман, деб айтдим,  
Еримга сотмайман, деб айтдим.  
Ҳақни айтсам — ўтда куймайман,  
Сувларга ботмайман, деб айтдим.  
Чинорларга хассан, дедим,

Осмонларга пастсан, дедим,  
 Чинорларга хассан, дедим.  
 Юлдузларни қўлда тутиб,  
 Тутганим йўқ — мастсан, дедим.  
 Тоғ устига чиқдим мастон,  
 Кўз олдимда Ўзбекистон.  
 Йиғлайвердим, йиғлайвердим,  
 Дедим: илоё, бўл омон.  
 Кўз ёшга арзир — сен, дедим,  
 Қувончга арзир — сен, дедим,  
 Бу бошим дунёга арзир,  
 Бу бошга арзир — сен, дедим,  
 Қўшиғим тарзи — сен, дедим,  
 Юрагим мағзи — сен, дедим,  
 Отамдан мерос қолгансан  
 Боламдан қарзим — сен дедим.

Эломон яна кўп айтди, эмраниб туриб хўб айтди, жўшиб айтди, шоир-да, баъзан қўшиб айтди. Шунда Элбек бахши: «У, болам! У, шоирликда мен етмаган нолам, бахши бўлиб тўлиқиб қолибсан, илҳом деганга йўлиқиб қолибсан, энди сенга охирги насиҳатим шудир», деб кўксидан қўзғалган елга соқоли пириллаб, овози чақмоқдай гуриллаб, бир сўз деб турган экан:

Устозим деганинг шеърфуруш чиқса,  
 Суйганим деганинг эрфуруш чиқса,  
 Подшоҳим деганинг элфуруш чиқса, —  
 Чидагин, болам-а, чидагин,  
 Дардларинг танингга жойлансин.  
 Чидагин, болам-а, чидагин,  
 Оҳларинг қўшиққа айлансин!

Чин қолиб ёлғонлар топса марҳамат,  
 Яхшимас, ёмонлар топса марҳамат,  
 Алдамчи замонлар топса марҳамат —

Чидагин, болам-а, чидагин  
Дардларинг танинга жойлансин.  
Чидагин, болам-а, чидагин,  
Оҳларинг қўшиққа айлансин!

Амир ўғри бўлса, қози риёкор,  
Вазир шуҳратпараст, ўғри зиёкор,  
Ва улар халқингдан кулсалар беор —  
Чидагин, болам-а, чидагин,  
Дардларинг танинга жойлансин.  
Чидагин, болам-а, чидагин,  
Оҳларинг қўшиққа айлансин!

Донолар қорани оппоқ десалар,  
Шоирлар ҳаромни шу пок десалар,  
Қўрқсалар, душманни ўртоқ десалар —  
Чидагин, болам-а, чидагин,  
Дардларинг танинга жойлансин.  
Чидагин, болам-ей, чидагин,  
Оҳларинг қўшиққа айлансин!

Одамман деб турса темирлар, тошлар,  
Десалар: дунёдан битди кўз ёшлар,  
Туғларнинг устидан юрса молбошлар, —  
Сен чида, бола-ей, сен чида.  
Куйлагин — тўхтама бир нафас!  
Сен куйла қиличнинг тиғида!  
Ўшанла эл-юртинг чидамас!

Бу қўшиқни айтиб, Элбек бахши қуёшга тик қараган экан, кўзи ёшланмабди.

## II

Элбек бахши бир камбағалнинг тўйини гуриллатиб, неча кампиру қизларнинг юрагини дириллатиб овулига қайтиб келаётган эди, бир карвонга дуч келди. Карвоннинг атрофи-

да неча отликлар чопишиб келишяпти, туяларни етаклаган шотирлар қоқилиб келишяпти. Осмонга мушаклар отилган, туяларга атлас кимхоблар ёпилган, ёш-яланглар бўза ичиб бўкиришган, бир-бирига дўқ уришган, туя устидаги қизлар уларга лаб буришган, карвонбошининг пешонаси тиришган — олдинда келяпти.

Элбек бахши: «Хўв, карвонбоши, йўл бўлсин?» деб сўради, карвонбошининг олдини ўради.

«Йўлдан қоч, баччағар, келин олиб кетяпмиз», деди карвонбоши.

Элбек бахшининг қулоғига йиғи товуши урилди. Сезди — уйи куйган. Бу — Ойтуманнинг товуши. Шунда: «Эй, камбағаллик қурисин! Орзум очилмай сўладиган бўлди, ўзим ҳасратда ўладиган бўлдим», деб бир сўз айтиб турган экан:

Карвон кўрдим туялари бўзлаб борар,  
Нортуяда менинг ёрим музлаб борар.  
Менга берган ваъдалари эсдан чиқиб,  
Остонаси тиллқ юртни излаб борар.

Пешонангнинг ёздиғидан айрилма, ёр,  
Жоним чиқар — қўшиқ айтсам қайрилма, ёр!

Ойтуман ёр кетиб борар карвон билан,  
Оғринма дил, мард қолади армон билан,  
Мол-дунёнинг измин тутиб кетаверсин,  
Мен қолайин юрак деган сарбон билан.

Пешонангнинг ёздиғидан айрилма, ёр,  
Жоним чиқар — қўшиқ айтсам қайрилма, ёр!

Ойтуман ёр, тумандайн сузиб кетдинг,  
Юрагимнинг қалъасини бузиб кетдинг.  
Парчалансам мени қўшиқ йиғиштирар,  
Сен қўшиқсиз қолдинг, гулим — тўзиб  
кетдинг.

Пешонангнинг ёздиғидан айрилма, ёр,  
Жоним чиқар — қўшиқ айтсам қайрилма, ёр!

Қарвон йўли кетгунича қизғалдоқзор,  
Йиғламагин, йиғлагандан дунё безор.  
Кулиб-кулиб, қувнаб-қувнаб кетавергин,  
Ғамга ўзим харидорман, ўзим бозор.

Пешонангнинг ёздиғидан айрилма, ёр,  
Жоним чиқар — қўшиқ айтсам қайрилма, ёр!

Қорли тоғдан наридадир ўзга диёр,  
Ўзга юртда келин бўлиб қолишинг бор.  
Ўзга юртда ўз юртингни эслаб тургин,  
Менга эмас, тупроғингга бўл интизор.

Пешонангнинг ёздиғидан айрилма, ёр,  
Жоним чиқар — қўшиқ айтсам қайрилма, ёр!

Мен-чи? Менга гоҳ шодлик, гоҳ алам тўлар,  
Ҳар сатримга кулгум тўлар, нолам тўлар.  
Бу олам-ку маним дилим ярим этди,  
Ярми билан куйласам ҳам олам тўлар.

Пешонангнинг ёздиғидан айрилма, ёр,  
Жоним чиқар — қўшиқ айтсам қайрилма, ёр!

У пайт шоир элма-эл, юртма-юрт юриб, гоҳ дили суйганни, гоҳ дили куйганни тинглар экан. Шоир «оҳ» тортса, эл «оҳ» тортиб, шоир кулса эл кулар экан.

Элбек бахши ҳам эл кезиб юриб, одамларнинг дардини сезиб юриб бир овул устидан чиқди. Қаради, бир аёл қимтиниб, хаёл суриб, тошларга туртиниб сойга сувга энаяпти. Таниди — Ойтуман. Ойтуманнинг кўзи ҳам унга тушди. Гапирмоққа тил қайда? — иккови икки жойда серрайиб турибди. Шунда уларнинг сел-себор йиғлаётган кўзлари шундай гаплашишган экан:

ОЙТУМАН:—

Япроқлар сўлади — бахтсизман,  
Оловлар сўнади — бахтсизман.  
Йўлингга интизор кўзимни  
Тупроқлар кўммади — бахтсизман —  
Аммо сен бахтиёр бўлгин, ҳамиша!

ЭЛБЕК БАХШИ:—

Ахир, бир очилиш бахти бор,  
Бошоқдай янчилиш бахти бор,  
Соғинчдан хазондай тўкилиб,  
Кўз ёшдай сочилиш бахти бор —  
Мен шундай бахтиёр бўлай, ҳамиша!

ОЙТУМАН:—

Кун ўтмай, шом келди — бахтсизман.  
Уфқдан қон келди — бахтсизман,  
Нечун бу юрагим қийналар,  
От миниб, жон келди — бахтсизман —  
Аммо сен бахтиёр бўлгин, ҳамиша!

ЭЛБЕК БАХШИ: —

Шом чоги юлдузлик бахти бор,  
Соғинчдан ёлгизлик бахти бор,  
Ҳасратда қўшиғим гуллади,  
Шу гулга илдизлик бахти бор —  
Мен шундай бахтиёр бўлай, ҳамиша!

ОЙТУМАН: —

Дилимда нолам бор — бахтсизман!  
Жиғамда лолам бор — бахтсизман,  
Қўш бешик тебранар ёнимда,  
Эгизак болам бор — бахтсизман —  
Аммо сен бахтиёр бўлгин, ҳамиша!

ЭЛБЕК БАХШИ: —

Юракни тингламоқ бахти бор,  
Қайғуни илғамоқ бахти бор.  
Кечани шўр бошга ёпиниб,  
Кўринмай йиғламоқ бахти бор —  
Мен шундай бахтиёр бўлай, ҳамиша!

ОЙТУМАН: —

Йўлимдан тайриндим — бахтсизман,  
Қанотим қайрилди — бахтсизман.  
Кечалар бошимга ёғилсин,  
Мен сендан айрилдим — бахтсизман —  
Аммо сен бахтиёр бўлгин, ҳамиша!

ЭЛБЕК БАХШИ: —

Йиғлама, армоннинг бахти бор,  
Ойтуман, ҳижроннинг бахти бор.  
Ишқсизга омонлик бахт бўлса,  
Ишқ ичра қурбоннинг бахти бор —  
Мен шундай бахтиёр бўлай, ҳамиша!

ОЙТУМАН: — Армоннинг гуллари сап-сарик,  
Сарикқа тўлди-я, бу борлик,

Мен қанча бахтқаро бўлсам, айт,  
Гуссадан бўласан сен фориг.  
Мен қанча бахтқаро бўлай, айт!

### ЭЛБЕК БАХШИ:

— Бошингга шол рўмол ташлайсан,  
Бекорга кўзингни ёшлайсан.  
Мен қанча бахтиёр бўлсам, айт,  
Сен мени унутиб яшайсан,  
Мен қанча бахтиёр бўлай, айт!

Улар шу алфозда қанча туришганини билишмади. Аввал Элбек бахши ўзига келди. Қараса, кўзлар дардлашиб тўймайдигандай. Шунда ўзини тутиб олиб, кўз ёшини ютиб олиб, Ойтуманга гап қотди: «Э, эгачим, бундай қарасам, келбатнинг овулимиздаги Давлатбийнинг қизига менгзайди. Шу ерларга бир қизи келин бўлиб тушган деб эшитаман. Шу сен эмасмисан», деди. Ойтуман бир ютишиб, минг бир тутилиб: «Давлатбийнинг шу қизи мен бўламан», деди. «Борсам, элу юртингга нима дейин?» деди Элбек бахши. «Салом» денг», деди Ойтуман. «Яна нима дейин», деб сўради Элбек бахши. «Салом денг», деди Ойтуман. «Хуш қол бўлмаса, эгачим», деб Элбек бахши отига қамчи тортди. «Яхши боринг, оғам», деб Ойтуман сой бўйида тошдай қотди...

Биродарлар, Элбекнинг кетишини-ю, Ойтуманнинг қолишини айтишга кучим етмайди. Менинг ҳам битта жоним бор-да.



\* \* \*

Ўрдадаги кўприк устида  
Қузак билан келдим рўбарў.  
Қараб қолдим унинг юзига,  
Юрагимда минг оғриқ, минг ўй.  
Тош соҳиллар аро сирганиб,  
Пойимизда оқарди анҳор.  
Мен ўйладим, қайдадир ёниб  
Мени соғингувчи онам бор...  
Парча булут ётарди бежон  
Олисдаги фалак тоқида.  
Мен куз билан туриб ёнма-ён  
~~Хасел сурдим онам ҳақида.~~  
Бир навбахор ~~қуёшга~~ кулиб,  
Чайқалганда сархуш далалар,  
Шиддатимдан қучоғи тўлиб,  
Олиб кетди мени жалалар.  
Мен ёш эдим. Тушунмасдим ҳеч  
Бу бахтми, ё ҳаёт зарбаси?  
Илғамадим онам кўзида  
Липиллаган хазон шарпасин.  
Мен — қўшиқнинг қудратин сезган,  
Ўзни даҳо билган болакай  
Ногоҳ ҳижрон чақмоғи эзган  
Онамга ҳам кетдим қарамай.  
Танимасдим у пайт кузакни,  
Тирикликка — гулга эдим ўч.  
Ўрдадаги кўприк устида  
Бугун ногоҳ унга келдим дуч.

Шеър учунмас, волидам учун  
Кўзларимдан ёшим қуйилди.  
Сув ёқалаб, қўлида тугун —  
Онам келаётгандай туюлди...

\* \* \*

Баҳор ўтди. Кўкда кўринмас булут,  
Ўримга чоғланиб сарғайди дала.  
Мен ўн кун яшадим ёнингда кулиб,  
Энди фурсат етди кетишга, она.

Соҳиллар тақдир — она-болалик,  
Ўртамизда дарё оққани-оққан.  
Она, кетаримда губорсиз кун ҳам  
Юзимизга ёмғир ёққани-ёққан...

## ДАШТ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

*Эркин Аъзамга*

Тоғлар кичрайди-ку. Пасайди осмон.  
Яшаб бўлмайди-ку, ахир, энгашиб..  
Жўнадим баландроқ осмонлар томон,  
Ортимдан Бойсуннинг дашти эргашди...

Мени ишонмади уфқларга у,  
Дош бериб тезликнинг шомолларига.  
Ортимдан югурди, югурди, ёҳу,  
Қоқилиб темир йўл шпалларига.

Вагонга чиқазиб қай бир бекатда,  
Қойидим: — Бу ишдан зарра йўқ маъни!..  
У руҳсиз чўзилди тепа қаватга,  
Билетсиз ва пулсиз йўловчи каби.

Сўнг шаҳар кўчаси, хиёбонлари  
Аро кездим — жойлаб дилимга уни. —  
Одаму машина оломонлари  
Топтаб кетишмасин куп-кундузи кун.

Давру даврон сурдим ҳар ҳафта кўчиб —  
Ижара уйларнинг шавқи ёднимда!  
Қаттиққўл хўжайин кўзидан чўчиб,  
У беун яшади менинг ёнимда.

Муҳаббат ловуллаб кирди юракка,  
Илк бора аламли сўзлар тингладим.  
Юзларимни босиб хору хашакка,  
Даштимни қучоқлаб тунлар йиғладим.

Баҳорда кўкариб, кузда сарғайиб,  
Сукунату қорга ўраниб қишда,  
Ўра шеърларимга боқди мунгайиб...  
Хуллас, содиқ бўлди ҳар эзгу ишда!

...Аммо, нима қилиб қўйди бу йиллар?  
Гарчи мен, мунаққид айтгандай, «ўсдим».  
Уртамизга кирди қай айёр жинлар,  
Кўпхона уйимга сизмайди дўстим.

Ялшиман унга:

— Бор, Бойсунга бор!

Шаҳарга ярашмас саҳройи сўхтанг.  
Борсанг — шамол тайёр, ёмғир ҳам тайёр,  
Тоғлар орасида яшайсан кўркам.

Панду насихатлар бериб толаман,  
Алдайман:

— Юр, кетдик ифор тергани...  
Ҳар баҳор доводи раб Бойсун бораман,  
Бойсунга даштини ташлаб келгали.

Қайтаман. Аммо дашт сезиб улгурар...  
Дош бериб тезликнинг шамолларига.  
Ортимдан ҳаллослаб, шошиб югурар,  
Қоқилиб темир йўл шпалларига.

Уйимга бўзариб кириб келаман,  
Мени асра энди, инглизча қулф!  
Шундоқ остонада дашт қолар гаранг,  
Эшикка термулиб «уф» тортади... «Уф!»

Мана, тонг чоғида ишга кетяпман.  
Юрак, азобдасан — қандай дард эзар?  
Жунжикиб, эгасиз ит каби ғамгин  
Вокзал майдонида ёлғиз дашт кезар...

\* \* \*

Бир тараф дўстларинг — душмандан чалкаш,  
Бир тараф душманлар — қув, шакарбазон..  
Шунда жонга тегар ҳайқириб куйлаш,  
Ҳатто шивирлашга қолмагай дармон.

Кўчага чиқаман ўшанда ҳорғин.  
Сесканиб тўхтайман.. Эвоҳ! Куз... Қачон?  
Хазонрез кўчалар гамгин ва ёрқин  
Боқадир. Терада бир юпқа осмон.

Боғларни кезаман. Келадир босиб  
Бўғзимга, кўзимга тошқин-тошқин дард..  
Шунда ҳадиксираб, тақдирдан қочиб,  
Кифтимиға кўнади бир қовжироқ барг.

Бир лаҳза кўнару, учиб кетади,  
Ненидир шивирлаб этади огоҳ.  
Шивирининг мавжи қалбга этади,  
Руҳим чуқурлашиб кетади ногоҳ...

Боғдан чиқмай туриб куйлай бошлайман,  
Кўксимни тўлдириб товушим оқар.  
Қалб билан кетаман, танни ташлайман.  
Йўлимни ҳайқириқ гулхани ёқар.

Дарахтлар, одамлар, сатримга кўчар,  
Ёзаман Ер, Осмон вазиятини..  
Мен — тирик қолган дўст, ижро этаман,  
Ўша — қовжироқ барг васиятини.

## НАВОИЙ

### I

Қудратингдан яралди олам,  
Етти кунда йўқдан қилдинг бор.  
Дариғ тутма меҳрингни мендан,  
Сўзсиз қолдим. Битта сўз юбор.

Сўз йўқ. Гарчи туғёнларимдан,  
Барча йўқлик тушар ларзага.  
Бир сўз бергил — мен яратаман,  
Бу оламни етти лаҳзада.

### II

Қуёш бўлиб осмондан боқдинг,  
Зор қилдинг-ку, йўлингга — келгин!  
Мен ҳаммани оловда ёқдим,  
Фақат ўзим музладим, севгим...

## ГЛАДИАТОР

Бу аёлга хуш ёқмайди қон,  
Чўзганича титраган қўлин  
Шивирлайди беҳушу бежон:  
— Улим... Улим... Мағлубга ўлим...

Менинг бекам эди бу аёл,  
Аmmo бекалиги ўзига!  
«Севаман» деб боқдим бемалол  
Кўзига, кўзига, кўзига!

Қамчи билан урди у мени,  
Бироқ ўжар лабим тинмади.  
У қаршимда бошини эгиб  
Йиғлади, йиғлади, йиғлади!

Хўжайиним — семиз сенатор —  
Рашкими, йўқ, келибми гаши,  
Қаҳ-қаҳ уриб кулди: —

Театр!

Жангга хотинимнинг ўйнаши!

Мен мағлубман. Синди ҳаётим  
Ўлдирмоқлик рақибнинг бурчи...  
Тушларимда мен у аёлни  
Озодликдан қаттиқроқ қучдим!

Сен нимани кўрибсан, эй, Рим?—  
Дабдаба-ю, жанглар, қурбонлар...

Мен-чи, анов аёл-ла сурдим  
Тушларимда не-не давронлар!

Мен ўламан. Сен-чи, кетасан  
Сенатга, ё қургани базм.  
Сен маст-аласт ухлаб ўтасан,  
Унутгансан туш кўришни, Рим.

— Улим! — аёл силкитар қўлин —  
У ҳам сенинг бир қўрқоқ наслинг.  
Рим, қурбоннинг кўзига қараб,  
Алдамоқни қилгансан расм.

Мен ўламан. Мени кўммайсан.  
Ем бўлади итларга таним.  
Сен одамни итча кўрмайсан,  
Сенга нима инсонлик шаъни!

Мен ўламан. Шоиринг ўқир  
Хос мажлисга ғофил шеърини.  
Эркакларинг ёлғон ваъз тўқир,  
Хотинларинг алдар эрини...

Қандай ўлар гладиатор? —  
Сўнг онимни айтмоқ ҳам бурчим...  
Уларимда мен у аёлни  
Ҳаётимдан қаттиқроқ қучдим!



## ОТЕЛЛО

Мен севаман Дездемонани,  
Кипригига қўндирмайин гард.  
Чорлашмоқда саҳнага мени..  
Ҳозир уни ўлдиришим шарт.

Тинч саодат кезар қопимда,  
Муҳаббатга кўмилган борлиқ.  
Рўмолча ҳам, мана, ёнимда  
Қилмаганман ҳеч кимга тортиқ.

Аммо залда гулдирар қарсак,  
Ҳар тўлқини қалбда бир раҳна.  
Хазон бўлар гуллаган юрак —  
Хазонлигим кўрмоқчи саҳна.

Қарсак чалар кафти қизариб,  
Ҳаяжондан сакрайди жувон.  
У, билмайман, нени ахтариб,  
Учта эрдан кечган батамом.

Қарсак чалар йингит қалтираб,  
Тиши босган лаблари қонар.  
У тортгани рашкнинг қасосин,  
Мана, ҳозир Отелло олар.

Қарсак чалар мункайган кампир,  
Қарсак чалар ориқ-семизлар...

...Яго, қани ғийбатдан гапир,  
Ғазаб билан бужмайсин юзлар.

...Мен саҳнага чиқиб келамап,  
Дездемона ухлайди маъсум.  
Дездемона, сени севаман!  
Кел, ношуд зал истаги учун

«Қордай оппоқ, мармардай тиниқ»  
Вужудингга солайин човут.  
Зал даҳшатдан тушсин силкиниб,  
Зал қалқисин мисоли тобут!

Бу не азоб? Беш аср бўлди,  
Бўзлаб сени бўғаман ҳар тун —  
Қўрқоқларнинг ожиз рашки-ю,  
Бевафолар қилмиши учун.

\* \* \*

Бу уйда яшашар бир-бирин пойлаб,  
Бунда эзгу туйғу қовжирар пинҳон.  
Бунда фақат чарчоқ кезади яйраб,  
Бунда уваланиб боради инсон.  
Бунда бир бурчакда, тишлаб лабини,  
Теграсида боқар жиддий, бешафқат —  
Шу уйнинг бўлажак одил қотили,  
Шу уйнинг ўзида туғилган Нафрат.  
Нафратнинг қўлида ханжар — ухламас —  
Тун бўйи бир зарбга йиғар аламин.  
Ханжарни бош узра кўтарганда даст,  
Деразадан ошиб тушар аллаким.  
Аллаким Нафратнинг қўлидан тутар,  
Ёқасидан ушлаб шивирлар бетин,  
Ютоқар, аламин ичига ютар:  
— Бу уйни кечиргин, Нафрат, кечиргин!..  
— Сен кимсан, эмрандинг бунда бетоқат?..  
Вайрона бўлмоққа маҳкум бу кулба —  
Кундуз шифти полга отар маломат,  
Тўрт девор айблайти бир-бирин тунда..  
Нафрат қароридан қайтмас — тўлғонар,  
Аммо таралади бир илиқ сеҳр.  
Уйнинг карахт қотган тили уйғонар:  
— Сен етиб келдингми, қувгинди Меҳр?..  
Беҳол суянади Нафрат жавонга...  
Жимлик. Тўрт девор жим. Шифт жим.  
Пол ҳам жим.  
Меҳр иккиланиб чиқар балконга,  
Қутади... «Қолгин», деб айтмайди ҳеч ким.

## ЭСКИ ҚУШИҚ

(Утмишдан)

Қоқилади ҳорғин отлар,  
Ғижирлайди арава.  
Ғилдираклар изи йўлда  
Тўзғиётган калава.

Хуш қол, ёрим! Тақдир сени  
Менга кўрмади раво.  
Бу дунёнинг исми гулмас,  
Пул дунёдир бу дунё.

Тўйинг бўлди, даранглади  
Чилдирма-ю, ноғора.  
Мен кўчангда бўзлаб кездим,  
Музлаб кездим — девона.

Хуш қол, ёрим, чимматларинг  
Кўз ёшингдан ҳўлдир-эй,  
Бировларга ёр бўлгунча  
Ҳасратингда ўлдир-эй!

Лочин эдим, армонларинг  
Қайирди қанотимни...  
...Эрта тонгда аравага  
Қўшдим икки отимни.

Манзил қайда? Сўрамагин,  
Йўқотдим меп ўзимни.  
Чангли йўлда ғилдиракнинг  
Изи каби тўзидим...

\* \* \*

Сен дединг: «Куз келди. Қарагин, хазон...»  
Мен бўлса уқдирдим: «Бу — қотган зиё,  
Тунда ҳам нур ичра асрамоқчи жон,  
Сезиб қаҳратоннинг шарпасин дунё».

Сен дединг: «Бечора, қарагин, ёмғир»,  
Мен кулдим: «У менинг суюмли ошнам,  
Тунги суҳбатларда босиғу оғир,  
Кундузги сайрларда бебаҳо ҳамдам...»

Сен дединг: «Қарагин, чорбоғда туман,  
Наҳот, туман билан қоласан танҳо,  
Ёлғизликнинг иши қуламсқ тубан,  
Совуқда дилдираб тентирамоқ ё ...»

Мен кулдим: «Туманмас, танидим, булут.  
Ахир мен Самонинг Ерга энчиси.  
Бу унинг қаршимда бахт каби дўниб,  
Илҳом келмоқда деб турган элчиси!»

Туманли боғларга термиллиб, бирдан  
Йиғладинг: «Наҳотки, куз келди... Хазон...»  
Бир сўз бор баҳорни қайтарадиган,  
Сенга айтолмайман, афсус ҳеч қачон...

\* \* \*

Қийналади офтобни кутиб  
Ёмғирларда ивиган шаҳар...  
... Ухлаб қолдинг, йиғлаб, қон ютиб,  
Кўринганда уфқда саҳар.

Мен тақдирдан ҳеч нолимайман,  
Гар алмашди шомга тонгимни.  
Олиб келди бу оқшом билан  
Узоқларда қолган жонимни.

Менинг сарсон умримга ойдин  
Ривож тилаб у чекди фиғон.  
Оёғини тавоф қилдим мен —  
Дунёда энг омадсиз ўғлон.

У ҳеч нарса қилмади талаб,  
Минг ўргилди қошу кўзимдан.  
Унинг қаро сочларин силаб,  
Бу тун кечдим ҳатто ўзимдан.

Ёмғир ёғди майда-майдалаб,  
Майда-майда бўлди юрагим.  
Тонг отгунча қайта-қайталаб,  
«Севасанми» дея сўрадим.

Қийналади офтобни кутиб,  
Ёмғирларда ивиган шаҳар...  
...Сен кетасан қайга қон ютиб,  
Мени қайга бошлайди саҳар?

## СЎНГГИ УЧРАШУВ

Аввал ҳайрон қолдинг. Қувондинг. Кулдинг.  
Жим қотдинг. Кўзингга ёш олдинг бирдан.  
Сўнгра бегонадай менга термилдинг,  
Дардлардан ҳориган нигоҳинг билан.

Хавотир ичинда дединг: — Мен кетдим...  
Тўхтадинг. Хўрсиндинг. Жўнадинг шитоб.  
Кузги чорбоғ аро йўқолдинг, йитдинг,  
Атлас либосларга беланган сароб.

Аваал ҳайрон қолдим. Бепарво кулдим.  
Жим қотдим. Жунжикдим. Сескандим бирдан.  
Сўнгра бегонадай кўкка термилдим,  
Мен ҳануз фалакка бегонадайман...

\* \* \*

Ташқарига чиқаман. Синар қатқалоқ.  
Самоват зулматгоҳ. Ёғмоқда захар.  
«Эрта кўришгунча, хайр», дейман, бироқ,  
Биламан кўриш йўқ мангуга қадар.

Сирни бой бермоқлик — ожизнинг иши,  
Овозим титрамас, туришим ўктам.  
Куламан. Негадир мақтайман қишни,  
Овозим титрашин сезиб турсам ҳам.

Мунғайган елкангда рўмолинг оппоқ,  
Хайрият, кўзингни кеча яширди.  
Ёлғизим, аёзда қоляпсан, бироқ,  
Баҳорли йилларга сени топширдим.

Сенинг гуноҳинг йўқ. Сен бир фаришта,  
Бир қошиқ қонимдан — гуноҳимдан кеч.  
«Эрта кўришгунча, хайр» дейишга  
Ўзингни мажбур қил. «Тўхта» дема ҳеч.

Қайдандир адашган бир тўлқин шамол,  
Манглайда сочингни юборар сочиб.  
Кетсам — бир тўғри йўл топишим маҳол,  
Қайтсам — ҳамма йўлнинг эшиги очиқ.

Ширин ўй оғудир айрилиқ оғи,  
Танни бурдалайди бир ўксик алам.  
«Эрта кўришгунча хайр...» дейсан, жоним,  
Ҳижронлар силкитган қўлларинг билан.



\* \* \*

Энди шеър ёзмайман унга бағишлаб,  
Энди хаёлини ўйлаб йиғлайман.  
Ана, қорли кеча — оппоқ фаришта  
Бўсалар олмоқда азиз манглайдан.

Энди мактублар ҳам битмайман — тамом!  
Занжирбанд қиламан телба қайғуни.  
Ана, қорли кеча — тўзғиган шайтон  
Олиб кетмоқдадир қучоқлаб уни.

Наҳот, қачонлардир чиқади қуёш,  
Нурга йўғрилади бу совуқ дунё?  
Энди бу ҳаётим кетгунча бардош,  
Энди бу ҳаётим меники танҳо..

\* \* \*

Мен йўқман. Елгонлар мени йўқотди.  
Чин гаплар севгимга қилмади карам.  
Нега чорраҳада тош каби қотдинг, —  
Энди сайр қилгум изғирин билан.

Қўнғироқ чалмагин. Очмайди ҳеч ким,  
Эшик на жилмаяр, на у сўз билсин.  
Азизлик тахтидан тушган, азизим,  
Пальтонгни сукунат қозиққа илсин.

Ўт жонидан ўтар — бўзлайди чойнак,  
Дераза йиғлайди — ташқари туман.  
Телеэкранининг оғзини пойлаб,  
Энди қаҳва ичгин ёлғизлик билан.

Соат бонг уради. Тун ярим... Ярим...  
Дил ярим — ғуссадан тўлмас ҳеч қачон..  
Зулматгоҳ хонанинг ичида, ёрим,  
Энди сезавергин ўзингни тобон.

Ухлайсан. Не учун титрайди нафас?..  
Яна «кел» дейсанми?.. Чорлама. Мен йўқ.  
Мен йўқ. Энди менинг кўксимга эмас,  
Ёстиқнинг юзига ёшларингни тўк.

Йўқ, йўқ, ишонмагин! Бу шеърдан тондим,  
Бу менинг ўзимга отганим — ўқдир.  
Ахир, бу дунёда мен сенсиз қолдим,  
Ҳатто дардлашмоққа ёлғизлик йўқдир...

\* \* \*

Ҳар кеча  
хотиринг юракка қайтар,  
забт этар  
лаҳзада  
жону жисмимни.  
Ташқари чиқаман —  
кеча мунаввар...  
Шунда  
такрорлайман йиғлаб исмингни.

Аммо ўртамизда бепоён кеча —  
юлдузлар ўртанган сокин бир хилқат.  
Ёлғизим,  
мабодо  
овозим етса,  
ишонма...  
йиғлама...  
унутма фақат.

\* \* \*

Сен ухляяпсан. Деразадан тушган ой нури  
Судралиб-судралиб

Кўрпангга етар.

Дунёдаги Энг Гўзал Аёл,  
ойнинг нурларига ўраниб ухла,  
ойнинг нурларини қучоқлаб ухла,  
Мени соғинган лабларингни  
ойнинг лабларига босиб ухлагин...

Мен бора олмайман. Юрак тўла тош.  
Айт, қандай вазнсиз бўлмоқлик мумкин?  
Қандай ой нурига айланса бўлар  
ва қачон ой нуридай сарғайган қўлларим  
қора сочларингни силаб титрагай?

Дунёдаги Энг Гўзал Аёл,  
наҳот, бир умр керак бўлса,  
Ой нурига айланмоқ учун?..

\* \* \*

Тугадим. Таннимда қолмади тоқат.  
Қор-музнинг ўлкаси қаҳратон қишда  
Куз каби кўмилиб яшайман, фақат —  
Суратнинг ялтирар ўнгимда — тушда.

Баҳорни кўзингга яшириб олиб,  
Қайдадир кезасан менга интизор.  
Гулга ёлчимадим мен сенсиз қолиб,  
Алвал хазон топдим, мана энди қор...

Бағримга ханжардай ботди бу ҳижрон,  
Васлинг талвасамга боқмас қайрилиб.  
Муқаддас ниқинини куйлайман ҳамон,  
Сен билан яшайман, сендан айрилиб.

Баҳорим, ташнаман порлоқ чеҳрангга,  
Титратар аёзли, қорли бу нуфуз.  
Токи ҳаёт тонай мен ҳам тегрангда,  
Топиннай майсадай айтмай бирор сўз.

Суратнинг ялтирар ўнгим-тушимда..  
Тезроқ кел, севгимиз бўлсин қапотнинг!  
Қор-музнинг ўлкаси қаҳратон қишда  
Жоним қолган бўлса, бу — сенинг ёдинг..

## АРМОН ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Босиб кела бошлар шом қоронгуси,  
Уйларда чироқлар чарақлар шўх-шаън.  
Бу хона кечани кутиб олгуси,  
Хўмрайиб, бадқовоқ бир назар билан.

Телеэкранида олам айлапар,  
Тубсиз кўзи билан боқади фалак.  
Кино кўрмоқликка хона шайлапар,  
Аммо деразага боқар жонҳалак.

Қаҳратон аёзнинг тош огушида  
Чирсиллаб синади боғларнинг бели.  
Хона ажралади ақлу ҳушидан,  
Кимнидир чорлайди: «Хабар ол келиб!»

Дамланган чойга у узатмайди қўл,  
Овқат совиб қолар, сипдирилмас пон.  
Хонанинг бағрида ҳамма нарса мўл,  
Фақат ҳамма нарса беқадр, бешон.

Хона ўртанади, ёнар, уҳ тортар,  
Бошини уради деворларига.  
Унинг дардларини улашса, етар  
Дунёнинг жамик беморларига.

Бир маҳал уйқуга олам чўкканда,  
Хона деразаси очилар бесас.

Кўчага ўзини ташлар бир шарпа,  
Анграйиб беқарор туради бирпас.

Сўнг уйлар, боғлардан ҳатлаб жўнар у,  
Оёғи тагида синамайди музлар.  
Қорини кечиб борар — қор момик, парқу,  
Аммо қор юзида қолмайди излар.

У кетиб боради шиддаткор, тезкор,  
Дарёю тоғлардан ўтади учиб.  
Кўздан ёшларни оқиб шашқатор,  
Икки қўли билан кўксини қучиб.

Зулматга термчилиб турар безовта,  
Олис бир шаҳарнинг чекка бир уйи.  
Шарна етиб келар (шошиб, албатта!)  
Ва яланг бошини эгади қуйи:

— Қайдасан, узоқдан келдим соғиниб,  
Соғиндим — танимда қолмади дармон.  
Мен — орзу-умиднинг ғамгин ёлқини,  
Мен — Армон! Кўйингда қоврилган Армон!

Ва уйнинг эшиги очилар бесас,  
Бир шарна чиқади булутдай сузиб:  
— Келдингми мен билан олгани нафас,  
Келдингми йилларнинг танобини узиб?

Улар бир-бирига тўймай боқишар,  
Бир-бирини кўксинда беришадан жон,  
Кулишар, хаёлар ичра оқишар,  
Икки почор вужуд — иккита Армон.  
— Совуқ қотмадингми?

— Йўқ, ёниб кетдим!

— Биров кўриб қолса...

— Менга бари бир!

— Тақдирга минг шукур висолга етдим!  
— Айтдим-ку, мен сени севаман, ахир!

Улар ажралгиси келмайди абад,  
Аммо тонг ёришиб келар муқаррар.  
— Алвидо! Бу тонгда йўқ зарра шафқат!  
— Алвидо!.. Яна тун келгунга қадар!

Бир шарпа эшикка кириб йўқолар,  
Бир шарпа ортига қайтар мунғайиб.  
Гандираклаб, қалтираб, ориқлаб қолар,  
Дераза ичида бўлгунча ғойиб.

Шу куни бир одам ишга боради,  
Ҳаммага табассум қилади ширип.  
Эркаклар кўнглини унга ёради,  
Аёллар ташлайди кўзларни қирини.

Қоғозга имзолар чекиб ташлайди,  
Кимдандир ҳақини қилади талаб,  
Бу одам кундузи шундай яшайди,  
Армонини тош қафас — кўкракка қамаб.



\* \* \*

Уша — мени ҳеч ким соғинмаган шом  
Авто бекатида вайрона турдим.  
Бошимни кўтариб боқдим бир замон —  
Қаршимда бир йигит, бир қизни кўрдим.

Йигитнинг пальтоси... Йўқ, ёдимда йўқ...  
Аниқ, кўм-кўк эди қизнинг пальтоси.  
Белларини қучган белбоғи ҳам кўк,  
Ҳатто кўм-кўк эди тўртта тугмаси.

Йигитнинг кўзлари... Эслай олмайман...  
Ошкор жаранглатиб пинҳон ўйини,  
Қизининг кўзларида ёқарди гулхан,  
Эркалик ва ишқининг маъсум қуюни...

Йигитнинг юзида... Билмайман нима...  
Аммо қизнинг юзи қаршимда аён:  
Уни кўмган эди гулгун шафаққа  
Муҳаббат — энг мовий, покиза осмон...

Қор бўлса ёғарди, қизнинг бошидан  
Кумуш тангаларни аямай сочиб.  
Шамол титар эди кўзи, қошига  
Манглайига тушган бир тутам сочин.

Йигит... Йигит билан қанча ишим бор!  
Аммо қиз йигитни шундай суярди —

Ки, гоҳ термиларди хазин, беозор,  
Гоҳ қўлларин маҳкам ушлаб қўярди.

Тошкентдай шаҳарда, балки дунёда  
Ягона — ҳаммадан гўзал эди қиз.  
Чикмаса ҳам телба орзум рўёбга,  
Бўзлаб қаршисига чўкким келди тиз!

Йигит... Аммо нега сени ўйлайман,  
Ҳозир ҳам ҳавасдан музлайди этим..  
...Мен қорли бекатда вайрон турган шом,  
Сен мендан, ҳаммадан бахтиёр эдинг.

## СЕВГИ ҲАҚИДА УМИДБАХШ БАЛЛАДА

Қуёш ботиб кетди. Туғилмоқда тун,  
Ҳали ўпилмаган — маъсум, бокира.  
Кўчада юрибман мен нима учун?  
Мен, ахир, ўлганман, мен бир хотира!

Менга нима керак заминда? Ахир,  
Менга нима керак ташвишли олам!  
Мени судраб борар мусиқа — ғовур,  
Мени қучоғига олар ресторан.

Ўлган одамларга сенмисан тирак,  
Яқин кел, улфатим, оқбадан шиша.  
Мени ташлаб кетди ўтмиш, келажак,  
Мендан айро тушди виждон, андиша.

Кўм-кўк тутун ичра сузиб юрар зал.  
Ойнинг ёғдусидай куй оқар ҳазин.  
... Худди хаёл каби солланиб гўзал,  
Рақс майдонида учиб юрган ким?

Ногоҳ пайдо бўлар кўксимда юрак!  
Танимдан кўринмас кафанни юлиб.  
У қиздан бир қатра ҳаётми сўраб,  
Унинг қаршисига бораман юриб...

— Кечиринг, юзимга тикилиб боқманг,  
Мен асли ўлганман, кўзларим чирик...  
Қиз рақсга тушади, кулади шўх — шаън:  
— Кўриб турибман-ку, сиз тирик... Тирик!

Қўлларим қанотга айланар гўё,  
Самода тўзғийди биз қолдирган из.  
Паноҳим, учяпмиз юлдузлар аро,  
Юлдузлар нчида энг гўзали — сиз!

Менга ҳадыя этиб жонимни такрор,  
Қиз жўнар уйига қувончдан яшнаб...  
Мен кўча кезаман. Ёға бошлар қор,  
Оппоқ қўлчаларин елкамга ташлаб.

Дўстларим оромин бузар телефон,  
Уйқусираб бари гўлдирайди: «Қим?»  
Биров телефонга қичқирар шодон:  
— Табриклар қўйинглар, дўстлар,  
тирилдим!»

Менинг киндик қоним тўкилган юртда,  
Телеграфчи қиз ақлдан озди.  
Манов телба бўлиб қолган аппарат  
«Она, мен тирилдим» деган хат ёзди.

Менинг атрофимда бўлса оппоқ қор,  
Менинг атрофимда туйғулар ўйлар,  
Сокин шивирлайди: «Нима гапинг бор?»—  
Қадам товушидан уйғонар ўйлар.

Биламан, бир уйда, оппоқ тўшакда  
Нурдай пок вужудин чойшабга кўмиб,  
Бир жувон ухлайди ҳаётдай якка,  
Балки мен ҳақимда ойдин туш кўриб.

Бизнинг ўртамизда балки йиллар бор...  
Унинг орзулари қолганда қуриб,  
Мен олиб бораман қалбимда баҳор,  
Секин шивирлайман: «Келдим. Мен тирик!..»



Билмадим, қаердан келар бу овоз,  
Гўё тун қўйнидан талпиниб нурга.  
Ярадор кабутар қилади парвоз —  
«Севгилим, бир умр бўламиз бирга!»  
Эрингнинг кўйлагин дорга осасан,  
Енглари шалвираб чўзилар ерга.  
Нимани ўйлайсан? Нега қотасан?—  
«Севгилим, бир умр бўламиз бирга!»  
Бегона бу сочлар қоп-қора гулхан,  
Силасам, куйдириб отар хотирга.  
Мен ҳам эшитяпман, мен ҳам ўтдаман —  
«Севгилим, бир умр бўламиз бирга!»  
Бешикни қучоқлаб енгил ухлайсан,  
Тушингда бир ҳаёт — менгзайди шеърга.  
Кулиб такрорлайсан, кулиб тинглайсан:  
— Севгилим, бир умр бўламиз бирга!  
Умрдан гапирма. Унда айб йўқдир.  
Ўтган умр асов — кўнмас таҳрирга,  
Сен ҳозир чорлагин, ёшимни тўқдир:  
— Севгилим, бир умр бўламиз бирга!  
Айвон устунига суяниб оғир  
Боқасан: фалакда ёлғиз бир турна...  
Турна йиғладими ,ёғдими ёмғир —  
«Севгилим, бир умр бўламиз бирга»...  
Бизни таъқиб қилар бу садо мангу,  
Умримизни абад ўрайди нурга.  
Учрашсак, наҳотки, етим қолар у —  
«Севгилим, бир умр бўламиз бирга...»

## ПУШКИН ҲАҚИДА БАЛЛАДА

«Мени тинч қўй! Бор, қабрга бор,  
Деразадан боқмагин, арвоҳ.  
Йўқлик қўйиб юбормас зинҳор,  
Энди қайтиб келолмайсан, оҳ...

Қуйма! Мени севар бу одам,  
Тун умримга тонглар тўшайди.  
Рости, унга дил бердим мен ҳам,  
Чунки сенга жуда ўхшайди,  
Қара, сенга жуда ўхшайди...»

Аёл аста пардани тортар,  
Қаравотда ухлар бир одам.  
Арвоҳ тунга ўзини отар,  
Ва чирқиллай бошлайди бирдан...

Юзга босиб барги хазонни,  
Ҳўнграб-ҳўнграб йиғлайди, ёҳу!.. )  
Ғўлдирайди битта каломни:  
«Ахир, менга ўхшамайди-ку...  
Ахир менга ўхшамайди-ку...»



Адашиб бораман бу тинч шаҳарга,  
Мени қаршилайди тераклар, толлар.  
Қўчани уйғотиб сокин саҳарда  
Қайгадир боради саҳархез чоллар.  
Баҳор кўчабоғда айланар синчков —  
Яшашга ким қобил?— ўтказар кўрик.  
Қуриган олмани кесади биров,  
Шундоқ кўз олдимда гуллайди ўрик.  
Ёлғиз чой ичаман.

— Қелинг, эй меҳмон!

Қўлимни кўксимга қўяман: — Раҳмат!  
Биламан, илтифот озгина ёлғон,  
Аммо дилга ёқар бу содда шафқат.  
Дўкончи жувонлар кулишар майин,  
Ҳазил тушунишар жиддий сўзимни.  
Кейин... Бир дераза ортидан — тайин! —  
Мен кўриб қоламан сенинг кўзингни.  
Учиб ўтиб кетар орадан йиллар...  
Бир куни мен сенга бераман савол:  
— Ёдингдами, ўша тинчгина шаҳар,  
Қатор-қатор терак, қатор-қатор тол?  
— Тол? Терак? Қаерда? — Ўйга толасан...  
Мен сени қийнайман: — Эслагин бир бор.  
Қўрмагансан, аммо эслаб қоласан,  
Терак қатор-қатор... Тол қатор-қатор...  
Аччиғинг чиқади: — Ҳар кун шу аҳвол!  
Ухлайман. Чироқни қўйсанг-чи тўсиб...  
«Қатор-қатор терак... Қатор-қатор тол...»  
Мен шеърлар ёзаман шу кеча ўқиб.

\* \* \*

Умримни бир олис ишққа алмашдим,  
Кечдим ҳушёрликдан, тушга алмашдим,  
Беқанот қалбимни қушга алмашдим —  
Сизсиз ўтган умрим бекор, ёрижон,  
Не бахтким, юрагим бемор, ёрижон.

Ул кўзда қай куни порлади зиё,  
Дунёдан кечгулик топдим бир дунё,  
Бу дунё нимадир? Бу дунё—рўё —  
Фақат пок ишқингиз ҳақдир, ёрижон.  
Қалбимга энг юксак тахтдир, ёрижон.

Гарчи ўртамизда соғинчу ҳижрон,  
Гарчи висол йўли вайрондир, вайрон,  
Аммо азобингиз кўксимда ҳар он —  
Муқаддас оловдай қолди, ёрижон,  
Шукурким, Сиз билан ёндим, ёрижон.

Яшадим ўзимга муз каби боқиб,  
Ишқ келди, жўнадим дарёдай оқиб,  
Менга ҳабиб бўлди ҳатто шум рақиб —  
Кўриб тўлқин-тўлқин қоним, ёрижон,  
Сиз менинг жонимсиз, жоним, ёрижон.

Ҳеч қачон демасман, бошни йўқотдим,  
Эридим, вужуддан тошни йўқотдим,



Йилларни йўқотдим-ёшни йўқотдим —  
Мендан айро тушди ёлгон, ёрижон,  
Шунданми тилларим равон, ёрижон.

Нодон дер: «Сен борни йўққа алмашдинг,  
Қуёшни, бир митти чўққа алмашдинг...»  
Куламан: «Ҳалқобни кўкка алмашдим...»  
Энди юрар йўлим фалак, ёрижон,  
Қанотга айланди юрак, ёрижон...

\* \* \*

Деразадан боқар соҳибжамол ой,  
Нигоҳлари тўла карашма, чирой.  
Кечиргин, бўлибман ойга маҳлиё,  
Ишон, энди унга қилмайман парво.

Ойнинг сочларини, майли, ўрмайман,  
Мен сени ойларга бермайман.

Сулув келинчакдек безанмиш баҳор,  
Далалар ҳам гулзор, боғлар ҳам гулзор.  
Гулларга боққандим кулиб, очилиб,  
Ешларинг кетдилар нурдай сочилиб.

Баҳор гулларини, майли, термайман,  
Мен сени гулларга бермайман.

Шеър чорлар бир лаҳза асир бўламан,  
Ёнаман, куюман, тошиб-тўламан.  
Сен-чи, унут бўлиб гариб бурчакда  
Турибсан... Ғам тоши чўкар юракка...

Илҳом билан, майли суҳбат қурмайман,  
Мен сени шеърга ҳам бермайман.

Қанча ширин дамдан кечмоғим мумкин,  
Фақат сен ўйнагин, қувнагин, кулгин.  
Сен менинг тақдирим, охир — азалим,  
Сен менинг баҳорим, ойим, ғазалим.

Қалбимсан, мен қалбсиз зинҳор юрмайман,  
Қалбимни ҳеч кимга бермайман.

Мен сени ҳеч кимга бермайман.

## ҲАЁТ ҚУШИҒИ

Боғ қўйнида икки дарахт —  
Бир-бирига интизор.  
Сен — бир дарахт,  
Мен — бир дарахт,  
Қуйиб-қуйиб ўтдик, ёр.  
Аммо баҳор келганида  
Очилиш керак экан.  
Гулу мева, хазон бўлиб,  
Сочилиш керак экан.  
Шамолларга дилим ёрдим,  
Гул-япроқлар тилида.  
Ел кафтида олиб келган  
Ҳар шивиринг дилимда.  
Аммо баҳор келганида  
Очилиш керак экан.  
Гулу мева, хазон тўкиб,  
Сочилиш керак экан.  
Ерга боғлаб қўйилганман,  
Илдизим ер остида.  
Кечалари шовуллайман,  
Боқиб бўйи бастингга.  
Аммо, яшаш керак экан,  
Очилмоқ керак экан.  
Гулу мева, хазон тўкиб,  
Сочилмоқ керак экан.  
Боғ қўйнида икки дарахт —  
Бир-бирига интизор.  
Сен — бир дарахт,  
Мен — бир дарахт,  
Қуйиб-қуйиб ўтдик, ёр!



Сен ҳали ёшлигинг билан овора...  
Мен кўзни юмдимми, келади босиб.  
Ҳам шонли, ҳам бешаън, ҳамда бечора,  
Хотира юкининг оғир карвони.

Сен ҳали сўйлайсан ҳаммага бийрон...  
Мен эрсам, ночорлик ичида тўзиб,  
Ёлғон куйлаганман қачондир, бир он...  
Сўнг узиб ташладим тилимни ўзим.

Ҳали тушларингда учасан юксак...  
Мен қанча қанотдай қоқмай қўлимни,  
Йўқолган осмондан топмасман дарак,  
Кўраман тубанлаб кетган йўлимни.

Дўсту душманларинг сенга-ку аниқ...  
Мен-чи, оломонга тикиламан жим, —  
Билмасман ағёру ёримни таниб,  
Менга ҳам дўстим деб боқмагай ҳеч ким.

Сен ҳали ҳар лаҳза кулишга тайёр...  
Менинг кўзларимда музлаган оғриқ,  
Эриса — бир мавжи ўзбаки диёр,  
Оқса — бир соҳили виждонга боғлиқ.

... Росту ёлғон аро тентираб юриб,  
Қувондим, йиғладим, жунжикдим, қотдим...  
Сенинг кўзларингга термилиб туриб,  
Ўзимни фош қилиш бахтини топдим.

\* \* \*

Емғир ёғиб ўтади  
Тунни оралаб сим-сим.  
Шамолларда сесканиб,  
Тўкилиб титранар боғ.  
Гўё боғнинг ичинда —  
Беланчаги — изғирин.  
Йўргаги — барги хазон —  
Алаҳсирар чақалоқ.  
Деразадан тушган нур  
Ёнар ўрик шохида.  
Шох — бемор, совуқ қотган  
Гўдакнинг беш панжаси.  
Уни нодон онаси  
Ташлаб менинг боғимга,  
Ўзи баҳор ортидан  
Сарсон кетган чамаси.

Онаси қолган, болам,  
Чорасиз ёнган, болам —  
Тунги боғлар ичинда  
Қолиб кетдинг, жоним куз.  
Ҳасратлари мўл, болам,  
Емғирларда ҳўл, болам —  
Бағримга босай десам  
Қучоғим етмас, афсус...

## Д О В У Л

Нега ғазабланар бу довул — бадбахт,  
Шиддат лашкарини шаҳарга ташлар?  
Илдизин суғуриб югурар дарахт,  
Қўчалар лентадай ҳилпирай бошлар.

Телба югураман мен довул аро,  
Шуурим музлайди, дилим порадир...  
Қарайман — ёмонлик турар бепарво,  
Қарайман — яхшилик учиб борадир.

\* \* \*

Қақнус,<sup>1</sup> сенинг учишинг баланд,  
Қанотингда асрлар юки.  
Бир кун сенга бермайдими панд,  
Патингдаги замонлар юқи?

Саволимдан куласан, эй, қуш,  
Сайрашингда мангу тантана.  
Ва гуриллаб ёнасан туйқус,  
Тириласан муз кулдан яна.

Сен-чи, нега зим-зим титрайсан,  
Чорлайсанми муз бўл деб, юрак?  
Туғилмоқни билдим — қўрқмайман,  
Туғилиш — бу ёнмоқлик, демак.

---

<sup>1</sup> Қақнус — афсонавий қуш, Самандар.

## Ю Р А К

Кўксимда бир қуш бор — учади тинмай,  
Юксак-юксакларда учар — кўрар туш...  
Учади ярадор бўлганин билмай,  
Учиб кетаётиб ўлади бу қуш...



## УЧРАШУВ

(достон)

*Вой, юз минг войким, тарки муҳаббат қилди ёр.  
Навоий.*

УЛАР БИР-БИРЛАРИНИ СЕВАРДИЛАР.  
УЛАРНИ ТАСОДИФ АЖРАТДИ.  
УЗОҚ ЙИЛЛАР ҚИЗ ШУНДАЙ ЯШАДИ:

Сен шаҳар бағрига томчидай сингиб кетдинг,  
Дарёларни симириб тўймаяпман,  
Томчим, қайдасан?

Сени олиб кетган чалкаш кўчалар  
Филдираклар тағида эзилиб ётар,  
Сени қайтармоққа мажоли етмас.

Телевизор липиллайди хона бурчида...  
Кема пинҳон тошга урилиб чўкар..  
Севгилим, қай тўлқинда учиб юрибсан,  
Кеманг омонми?

Сени излаяпман,  
Мен сенга зорман..  
Қурран заминда ёлғиз яшашдан  
Юраги сиқилган етим инсоният  
Самога умидвор тикилгани каби  
Сени излаяпман,  
Мен сенга зорман!

Ракеталар ойдан бир парча тошни  
Олиб келмоқ учун учганлари йўқ.

Улар мен йўқотиб қўйган изингни  
Топмоққа жўнатган элчиларимдир.

Сен олам бағрига томчидай сингиб кетдинг,  
Дарёларни симириб тўймайпман,  
Томчим, қайдасан?

Иккимиз қандай бир дунё бўлардик!  
Дунёнинг армонли яримтасиман,  
Музлаб бораяпти бу ярим жисмим...  
Оловим, Офтобим, сен қайлардасан,  
Балки мени — музни соғингандирсан  
Ўзингнинг ўтингда ўзинг қоврилиб?!

Мақомлар куйланса шарпангни сезаман,  
Рўйингни кўраман энг хушрўй шеърда...  
Тургин, сатрлардан қаддингни кўтар,  
Ахир, қачонгача шеърда яшайсан?

Сени изляяпман,  
Мен сенга зорман!  
Қачон келсанг ҳамки қучоғим очиқ,  
Қачон келсанг ҳамки қилмайман таъна...

### ЙИГИТ ШУНДАЙ ЯШАДИ:

Одамлардай яшамоқ керак,  
Четда туриб ёнмоқ бесамар...  
Қўп қатори мана мени ҳам  
Югуришга ўргатар шаҳар.

Телефонлар жиринглар шитоб,  
Югуради қоғозда қалам,

Лаҳза — сўроқ, дақиқа — хитоб...  
Қўзғаламан сапчиб ўрнимдан!

Мен ҳансираб чопаман олға,  
Уфқлардан ненидир кутиб.  
Бу дунёда дала, тоғ, дарё,  
Боғ борлигин тамом унутиб.

Атрофимда олам айланар,  
Гўё умрим борар ёришиб.  
Хиёбонлар, ҳайкаллар, гуллар  
Бир-бирига кетар қоришиб.

Чақмоқ!.. Сенга нигоҳим тушар..  
Тўхтамоқлик? Мумкинмас! Асло!  
Югураман! Вужудим учар..  
Мен сезмайман қолганим танҳо.

Зирқирайди ногоҳ юрагим,  
Тўқнашади Осмон билан Ер.  
Сен ўзга бир юрак тилагин,  
Менга қисмат югурмоқлик, шеър.

Югураман — қақрар хаёлим,  
Югураман — юрагим толар.  
Термилишиб ортимдан ғамгин  
Шеър деб ёнган дўстларим қолар.

Югураман шамол билан тенг..  
Қаерларга, қачон етаман?  
Қайнаб ётган кўчаларга мен  
Ўзимни ҳам ташлаб кетаман.

Югураман кечиб дунёдан..  
Бемурувват эмасдир ҳаёт —

Мартаба, уй (баланд бинодан)  
Ва машина берар мукофот!

Юз йигирма! Машина учар!  
Нохос тормоз силкир лошимни.  
Мен нимани истаб йиғлайман  
Совуқ рулга қўйиб бошимни?..

## ҚИЗ МОНОЛОГИ

Севгилим, шаҳарда адашиб қолдим.  
Бир парча ўтлоқман —  
покиза, кўм-кўк!

Излаётган бўлсанг нега келмайсан —  
Ўртамизга қандай тошдевор тушди  
Ишқнинг қудратига тоқат қилгувчи?

Бир парча ўтлоқман,  
Баланд биноларим,  
Бостириб келяпсиз устимга  
Зилдай темир-бетон оёғингиз билан  
нозик вужудимни бепарво эзиб..

Тоғу тош қўйнига бош олиб кетайми?  
Бир парча ўтлоқман —  
баданимда титроқ.  
Милтиқ исин сезган жонивор хавотири билан  
Мен — ўтлоқ яшайман ваҳима аро.

Моторларни миниб одамлар ўтар  
(Балки кўкракларда гурлар у мотор,  
Балки шўрликларнинг томирларида  
Алвон қон ўрнига бензин югурар.)  
Ўтлоқман, термиламан бир умид билан,

Аммо шамол бўлиб ҳеч ким йиқилмас  
«Сени севаман» деб зангор қучоғимга.

Севгилим, бир қаранг,  
муҳаббат — ўтлоқ,  
Ногоҳ хиёнатни сезган аёлдай  
Бош олиб кетаяпти оламингиздан.  
Ишонч — ўтлоқ,  
Садоқат — ўтлоқ,  
Юрак — ўтлоқ...

Йиғланг, севгилим!  
Бизни излаб югуринг гирён...  
Ахир, машиналар ишқни тор-мор этгани эмас,  
Висолга тез элтмоқ учун яралган.

Ракеталар, атомлар, автомобиллар  
Инсоният келажакка тезроқ борсин деб  
Тонгни бедор кутган кимнингдир меҳри...  
Севгилим,  
Сиз севишингиз керак!  
Бошқа илож йўқ.  
Мен сизни излаяпман...

## ЙИГИТ МОНОЛОГИ

Мен унутдим сени.  
Мен Робот ясадим.

Турқу таровати ўзимга монанд,  
Баҳор тошқинининг шиддатинимас,  
Ўзандаги сувнинг сипо ақлини  
Унинг вужудига жойладим.

Мен унутдим сени.  
Мен Робот ясадим.

Меҳримни бердим деб айта олмайман,  
Аммо ҳисоб-китоб қудрати билан  
Унда акс этади ҳар бир ҳужайрам.  
У мендай куладн,  
Йиғлайди мендай...  
Фаҳму фаросати ёғду каби тез.  
Юзи худди юзим,  
Қўзи худди қўзим,  
Қўллари — қўлим,  
Юраги — ...

Мен унутдим сени.  
Мен Робот ясадим.

Робот билан яшаш тежамли, қулай..  
Умрингни режали қилмоқ бўлсанг сарф,  
Эгри чизикларсиз яшаш истасанг,  
Бўлсин умрим десанг тўғри чизикдай —  
Робот билан яша!

Ишқ деб, ҳақиқат деб шамолдай елма,  
Қалбни азоблама,  
Изтироб бекор..  
Оёғингни ерга маҳкам ўрнаштиргани  
Ўзингга Робот қур!

Мен унутдим сени.  
Мен Робот ясадим.

Баъзан фарқига ҳам бора олмайман:  
Мен кимман?

Роботми?

Ё Робот...

Менми?

## ҚИЗ МОНОЛОГИ

Севгилим, қўрқинчли... Ер бўлди ғойиб,  
Қуёш эриб кетди, осмон йўқолди.  
Юлдуз мисол тансиқ нурингни ёйиб,  
Мен учун оламда фақат сен қолдинг,  
Севгилим, қўрқинчли... Ишқ жанги аро  
Умр топармикан якто матлабин.  
Севгилим, қўрқинчли! Мен бораяпман  
Ҳужумга шайланган Матросов каби...

УЛАРНИ ЯНА ТАСОДИФ УЧРАШТИРДИ.  
ҚИЗ ШАҲАРДАГИ СОН-САНОҚСИЗ  
ЭШИҚЛАРДАН БИРИНИ ОЧДИ-Ю,  
РОБОТНИ КЎРДИ.  
УНИ ИГИТ ДЕБ УЙЛАДИ...

Қ и з

Сизмисиз? Наҳотки...

Р о б о т

Менми? Мен — Робот.

Қ и з

Алдаманг, қийналди бу жоним ўзи..  
Сиз — ишқим, сабримга олий мукофот,  
Сиз — топиб йўқотган танҳо юлдузим...  
Осмондан тушибсиз..

Р о б о т

Бетимсол баҳо!  
Мен юлдуз эмасман, оддий бир темир,  
Инсон ақли билан бўлганман пайдо.

Қ и з

Қўрқитманг.. Қаршимда ўзингиз ахир!

Р о б о т

«Ўзингиз» ...Танимда йўқ эрур ўзлик,  
Бировнинг нусхаси шуурим, ақлим...

Қ и з

Кўзингиз...

Р о б о т

Бировнинг қоп-қора кўзи.

Қ и з

Ахир, овозингиз...

Р о б о т

Мукаммал тақлид!

*(Йигит киради. Қиз адашганини фаҳмлайди.  
Сўзсиз келиб йигитни қучоқлайди).*



## Қ и з

Дарё каби оқиб-оқиб  
Сизни топдим, денгизим,  
Сиз — ягона оллоҳимсиз,  
Йўқ, дунёда тенгсизим!  
Излаб-излаб ҳажр даштида  
Кўп қийналди бу жоним.  
Охир мени уфқ билиб  
Эгилдингиз, осмоним.  
Неча йилки бир кўрмоққа,  
Бир кўрмоққа зор бўлдим.  
Мен йўқ эдим бу оламда,  
Сизни топиб бор бўлдим.  
Изингизнинг бўйларини  
Ҳидлай-ҳидлай яшнадим.  
Сизни ёлғиз ташламай деб  
Бу оламда яшадим...

## Й и г и т

Сингил, бундай сокин сўзланг,  
Маъно йўқдир хитобда.  
Аввал салом-алик керак  
Езилгандай «китоб»да...

*(Қиз йигитнинг бўйнидан қўлларини олади)*

Ана энди гапиринг-чи,  
Кимсиз? Нега келдингиз?

## Қ и з

*(кулиб)*

Ҳазилкашсиз.. Узгармабсиз..  
Доим шундай эдингиз.

И н г и т

Кечирасиз... Танимадим...  
Хаёлим сал паришон.

Қ и з

Ўзгармабсиз... ўзгармабсиз...

И н г и т

*(асабийлашиб)*

Қимсиз, айтинг, синглжон!

Қ и з

Чиндан ҳамми?..

Р о б о т

Танимадим...

Қ и з

Эслолмайсизми сира,  
Ҳушингизда, тушингизда...

И н г и т

Нимадир ғира-шира  
Қўз олдимга келяпти-ю,  
Ҳеч ёдимга тушмайди...

Қ и з

Кечирасиз.. Адашибман...  
Мен кетай энди.... Майли ..

*(Қиз чиқиб кетади)*

Р о б о т

Гўзал экан...

И и г и т

Гўзал. . Гўзал...

Хўш битдими топшириқ?

Р о б о т

Бирор симим узилдими,  
Нямагадир кўнглим хит.

*(сукунат)*

Анови қиз қайтмайдими?

И и г и т

Иўқ, қайтмайди ҳеч қачон!  
Унингсиз ҳам бир бошимда  
Минг бир ғалва, тўполон.  
Қачонлардир бир кўрганман  
Топиб келгани қизиқ...

*(Соатига қарайди)*

Шошиш керак... Ҳозир мажлис...  
Нима бўлди топшириқ?

Р о б о т

*(ўзича)*

«Юлдузим» деб энтикканда  
Титради темир қалбим.

Гўё бирдан тан ҳис қилди  
Токнимас, нурнинг зарбин.

*(Чиқиб кетади)*

## РОБОТ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Қаердасан?  
Пўлат лабларида фақат шу сўроқ?  
Темир одам кетиб бормоқда  
Шаҳарлардан, далалардан ўтиб.

Қаердасан? —  
Интиқ суянар чинор танасига.  
Ногоҳ сезар  
  елкасида  
  симлар эмас,  
  Томирлар гупира бошлаганини.

Қаердасан? —  
Бугдойзор мавжига отар ўзини.  
Темир оёқлари ногоҳ ҳис қилар  
  Тупроқни майину юмшоқлигини.

Қаердасан? —  
Офтоб нурина тўкар,  
Пишқириб оқадн зилол дарёлар...  
Кўзлари тинади,  
Узин тутолмай  
  бир ҳовуч сув олар  
  кафтлари билан  
  Ва бирдан ҳайқирар!..  
  Тирилар қўли!

Шамол келадню сочин тўзгитар,  
Осмонга боқару нур сочар кўзи,

Ранг, бўйга қорнишиб бир дунёга ётар...

Ушанда

Бир қудрат вужудин ғижимлаб,  
айланиб,

кўксида бўлади-ю жам

«Гурс-гурс»лаб урилар қовурғасига —

У бирдан англайди:

Бу — ЮРАК!..

Ю Р А Қ!

Учиб кетмоқчидай қўлларин ёяр,

Кўз ёши тирқирар, айланар боши,

Оламини тўлдириб ҳайқирар:

— Қайлардасан?

СЕНИ СЕВАМАН!

Қайлардасан?..

## МУНДАРИЖА

Ленин . . . . .	3
Шеърят . . . . .	4
Сурат парчаси ҳақида дoston . . . . .	6
Че Гевара . . . . .	9
Абдулла Қодирий . . . . .	11
Ойбекнинг сўнгги шеъри . . . . .	12
Маяковский билан суҳбат . . . . .	13
Чумолн ҳақида нутқ . . . . .	17
Театр . . . . .	20
Тазарру . . . . .	22
Эллигинчи йиллар балладаси . . . . .	25
Урушдан ўттиз йил кейин ёзилган марсия . . . . .	28
Самарқанд бўйлаб тунги сайр . . . . .	30
Ғафур Ғулом ҳақида ҳужжатли фантазия . . . . .	33
Ёз . . . . .	36
Кўчадан репортаж . . . . .	37
Шахмат ҳақида шеър . . . . .	39
Бахшиёна (туркумдан) . . . . .	41
Ўрдадаги кўприк устида . . . . .	49
Баҳор ўтди. Кўкда кўринмас булут . . . . .	50
Дашт ҳақида баллада . . . . .	51
Бир тараф дўстларинг, душмандан чалкаш . . . . .	53
Навой . . . . .	54
Гладиатор . . . . .	55
Отелло . . . . .	57
Бу ерда яшашар.. . . . .	59
Эски қўшиқ . . . . .	60
Сен дединг: «Куз келди. Қарагин, хазон...» . . . . .	61

қалади офтобни кутиб . . . . .	62
учрашув . . . . .	63
қарига чиқаман. Синар қатқалоқ . . . . .	64
Энди шеър ёзмайман унга бағишлаб . . . . .	65
Мен йўқман. Ёлғонлар мени йўқотди . . . . .	66
Ҳар кеча . . . . .	67
Сен ухляяпсан . . . . .	68
Тугадим. Танимда қолмади тоқат . . . . .	69
Армон ҳақида баллада . . . . .	70
Ўша мени ҳеч ким соғинмаган шом . . . . .	73
Севги ҳақида умидбахш баллада . . . . .	75
Билмадим, қаердан келар бу овоз? . . . . .	77
Пушкин ҳақида баллада. . . . .	78
Адашиб бораман бу тонг шаҳарда . . . . .	79
Умримни бир олис ишққа алмашдим . . . . .	80
Деразадан боқар соҳибжамол ой . . . . .	81
Ҳаёт қўшиғи . . . . .	83
Сен ҳали ёшлигинг билан овора . . . . .	84
Ёмғир ёғиб ўтади . . . . .	85
Довул . . . . .	86
Қақнус, сенинг учишинг баланд . . . . .	87
Юрак . . . . .	88
Учрашув (достон) . . . . .	89

*На узбекском языке*

**Усман Азимов**  
**КЛОЧКИ ПОРТРЕТА**

Стихи и поэма

Ташкент, Издательство «Еш гвардия». 1986

Редактор *М. Раҳмонов*

Рассом *В. Апухтин*

Расмлар редактори *А. Ғуломов*

Техн. редактор *У. Ким*

Корректор *С. Сайдолимов*

ИБ № 1836

Босмахонага берилди 3. 07. 85. Босишга рухсат этилди 21. 01. 86.  
P04209. Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. 1-босма қоғозга «Литературная»  
гарнитурада юқори босма усулида босилди. Босма листи 3.25.  
Шартли босма листи 3.8. Нашр листи 2.95. Тиражи 7000.  
Буюртма № 6. Шартнома № 73—85. Баҳоси 35 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» наш-  
риёти. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари Давлат комитети, Тошкент «Матбуот» полиграфия  
ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси, Дягийўл,  
Самарқанд кучаси, 44.